

ISSN 0202-151X

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР**



**ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

11-12-1996



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР

1996

11 — 12

ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ

Издается с мая 1957 г. по 12 номеров в год.

ТАШКЕНТ
ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНА

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана И. И. ИСКАНДЕРОВ (*главный редактор*), акад. АН Узбекистана А. А. АСКАРОВ (*зам. главного редактора*), акад. АН Узбекистана Б. А. АХМЕДОВ, акад. АН Узбекистана С. К. КАМАЛОВ, акад. АН Узбекистана Ш. З. УРАЗАЕВ, акад. АН Узбекистана М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, акад. АН Узбекистана М. Ш. ШАРИФХОДЖАЕВ, акад. АН Узбекистана Э. Ю. ЮСУПОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Х. Р. РАХМАНКУЛОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Ж. Т. ТУЛЕНОВ (*зам. главного редактора*), чл.-кор. АН Узбекистана А. Х. ХИКМАТОВ, чл.-кор. АН Узбекистана С. Ш. ШЕРМУХАМЕДОВ, доктор ист. наук Б. В. ЛУНИН, доктор ист. наук Р. Я. РАДЖАПОВА, доктор ист. наук Г. Р. РАШИДОВ, доктор ист. наук А. У. УРУНБАЕВ, доктор экон. наук К. А. ХАСАНДЖАНОВ, доктор ист. наук А. М. ЮЛДАШЕВ, Б. И. КНОПОВ (*ответственный секретарь*).

Адрес редакции: 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.

Телефоны: 36-73-29, 4-83.

В. И. НОРОВ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан ташқи сиёсатини ўз хоҳиш-иродасига кўра белгилаш ва олиб бориш, дунё ҳамжамиятига қўшилишнинг ўзига мос йўлини, давлатлараро муносабатларнинг тегишли йўналишларини ҳамда устувор жиҳатларини танлаш имкониятига эга бўлди.

Республика ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримов 1995 йил 25 февралда Олий Мажлиснинг биричи сессиясида таъкидлаганидек, давримизнинг асосий вазифаси, яъни мамлакатнинг дунё хўжалиги ва ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун давлат мустақиллигини мустаҳкамлашни таъминлаш билан белгиланади.

Шу жиҳатдан, республиканинг миллий хавфсизлигини таъминлаш ниҳоятда долзарб масала бўлиб бормоқда. Шубҳасиз, миллий хавфсизликка эришиш бевосита минтақадаги барқарорлик ва ҳамфикрлик билан боғлиқ.

Марказий Осиёнинг ўзига хос хусусиятлари, географик-сиёсий аҳамияти шундаки, воқеаларнинг салбий томонга ривожланиши унинг нафақат минтақа мамлакатлари, балки бутун дунё учун нотинчлик детонаторига айланишига олиб келиши мумкин.

Афғонистон ва Тожикистондаги нотинч вазият ҳозирдапоқ ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда, демократия ва ислоҳотлар ривожини сусайтирмоқда, бутун минтақа ижтимоий-иқтисодий имкониятларини пасайтирмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга оширишда минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу мақсадни амалга оширишнинг асосий ўзагини БМТ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш ташкил этади.

1995 йил сентябрда 31 давлат ва 6 халқаро ташкилот иштирокида ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент семинар-кенгаши БМТ Бош қотиби Бутрос-Фолнинг фикрига кўра, минтақавий тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган муҳим ва ижобий ҳисса бўлди.

Ўзбекистон раҳбариятининг афғон муаммосини ҳал этиш, хусусан, Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришга қарши ялпи эмбарго киритиш бўйича ташаббуси халқаро сиёсий доираларда ижобий кутиб олинди.

Шу муносабат билан Европа парламенти ва БМТ жаҳоннинг ҳамма мамлакатларига қарата қабул қилган барча афғон муҳолиф кучларини қурол ва ҳарбий аслаҳалар билан таъминлашдан воз кечиш ҳақидаги чақириғи битилган резолюцияларини эслатиб ўтиш лозим. Ўзбекистон ва Покистоннинг Афғонистонга қурол киритишни тўхтатиш

зарурлиги масаласидаги фикрлари яқинлигини ҳисобга олган ҳолда БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси баёнотининг ўзбек-покистон қўшма лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Резолюция лойиҳаси БМТга Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримовнинг Хавфсизлик Кенгаши Раисига йўллаган мурожаатномасига илова тарзида юборилди. Мазкур мурожаат БМТда Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик ишига кўмаклашишга интилиши унинг 1994 йилда имзоланган «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасида НАТО билан ҳамкорликни ривожлантиришни шарт қилиб қўяди.

Бу дастурда иштирок этиш Шимолий Атлантика иттифоқи ва шериклари қуроли кучларининг таркибини ўрганиш, турли давлатлар қуроли кучлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнини билиш ва ҳозирги шароитда ишонч ҳамда ва хавфсизлик чораларини мустаҳкамлаш жараёнида малака ошириш имконини беради. Бу сўзсиз, Ўзбекистон қуроли кучларининг оёққа туришига, республика хавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон вакилларининг Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо мамлакатлар фаолиятининг ҳарбий-сиёсий соҳаларида иштирок этиши республиканинг сиёсий майдондаги обрўсининг ошишига ёрдам беради ва интеграция жараёнига кўмаклашади, иккиёқлама технологияларга чиқишга ва ахборот билан таъминланишига йўл очади, ҳарбийлар ва техник экспертлар тайёрлашда ёрдам беради. Республиканинг ҳарбий бўлинмалари шерикликнинг индивидуал дастури асосида қўшма машғулотларда иштирок этишни бошладилар.

1995 йил 15 декабрда Жамбулда ўтказилган Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентларининг олий даражадаги учрашувларида қабул қилинган қарор асосида Марказий Осиё давлатларининг тинчликпарвар терма батальонини БМТнинг заҳира кучлари сифатида таркиб топтириш, минтақада огоҳлантирувчи сиёсий тадбирларни амалга оширишнинг амалий механизмининг яратишга кўмак бериши мумкин.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка эришиши бўйича ташаббусларини илгари суриш мақсадида Қўшилмаслик ҳаракати аъзолари билан алоқаларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистоннинг Қўшилмаслик ҳаракатида иштирок этиши унга ушбу ташкилот аъзолари билан икки-томонлама ва кўптомонлама муносабатлар масалалари билан бир қаторда кенг миқёсдаги муаммолар бўйича ҳам ўзаро ҳаракат қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси минтақавий хавфсизликни таъминлаш ишида бошқа давлатлар билан ўз муносабатларини фақат халқаро ташкилотлар ва минтақавий иттифоқлар доирасида эмас, балки икки-томонлама ҳамкорлик асосида қурмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барқарорлаштирувчилик ролини, Президентимизнинг Афғонистонда урушни тўхтатиш ва Тожикистонда кескинликни юмшатишни назарда тутган тинчликни сақлаш ва минтақадаги қарама-қаршиликни тўхтатиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Америка Қўшма Штатлари билан ўрнатилган яқин алоқаларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон делегациясининг шу йилнинг май ойидаги Америка Қўшма Штатларига ташрифи асосида Президент Клинтон АҚШнинг Марказий Осиё давлатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва гуллаб-яшнашидан жиддий манфаатдор эканлигини таъкидлади. У АҚШнинг Ўзбекистонга Ғарб билан яқин алоқалар ўрнатишида, қўшни давлатлар билан амалий муносабатлар ўрнатишига ва дунё ҳамжа-

мнятига кириб боришига ёрдам бериш учун жиддий ҳаракат қилаётгани ва шунга интилаётганини билдирди.

Қўшма Штатлар Президенти музокаралар давомида Америка маъмуриятига Ўзбекистон Республикаси билан мустақкам муносабатларга эга бўлиш ниҳоятда муҳимлигини ва Афғонистон бўйича ташаббусларимизни қувватлашини очиқ таъкидлади. Бунинг тасдиғи сифатида АҚШ Давлат департаментининг «Афғонистонни қурол етказиб бериш халқаро қонуишларга амал қилмайдиган давлатлар қаторига киритилиши» ҳақидаги қарорини келтириш мумкин.

Давлат департаменти вақили бошқа давлатларни ҳам шу йўлни тутиб, Афғонистондаги урушаётган гуруҳларга ташқаридан қурол етказиб беришни тўхтатиш ва қоп тўкилишининг олдини олишга чақирди.

Ўзбекистоннинг географик-сиёсий мавқеи унинг Шарқ мамлакатлари билан ташқи сиёсий алоқаларини мустақкамлашининг муҳим аҳамиятини шарт қилиб қўяди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлаш Осиёнинг мазкур ҳудудидаги мамлакатлар ижодий ривожланишининг асосий шarti ҳисобланади. Ўзбекистон ўзининг Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Эрон каби мамлакатлар билан муносабатлари ривожига худди шу нуқтан назардан қарайди.

Ўзбекистоннинг араб мамлакатлари: Миср, Саудия Арабистони, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари билан муносабатлари жадал ривожланмоқда.

Осиё — Тинч океани минтақасидаги Япония, Корея Республикаси, Вьетнам ва Индонезия каби мамлакатларнинг Ўзбекистон билан муносабатларида доимий ўсиш кўзга ташланмоқда.

Ҳаммага маълумки, хавфсизлик масалалари фақат ҳарбий соҳалар билангина чегараланмайди. Охири пайтда Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликнинг таркиби сиёсий, инсонпарварлик ва бошқа тушунчалардан иборат бўлган ноҳарбий йўналишларининг аҳамияти ошиши ҳисобига ўзгариб бормоқда.

Шу муносабат билан наркобизнесга қарши қаратилган умумий ҳаракатларни кучайтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон бу офат билан курашишда кенг миқёсли ҳамкорликнинг тарафдори бўлиб чиқмоқда.

Гнеҳванд моддалар савдосининг халқаро характери миллий миқёсда наркобизнесга қарши курашда кескин чоралар кўришни, минтақа ва минтақа атрофи миқёсидаги ҳамоҳанг ҳаракатлар билан қўллаб-қувватлашини талаб қилади.

Минтақада гнеҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ масалаларнинг кўпайиб кетгани сабабли шу йилнинг 3—4 майида Тошкентда БМТ Бош котиби ўринбосари Жоржио Жиакомелли иштирокида гнеҳванд моддалар муаммолари бўйича конференция ўтказилди.

Ўзбекистон ҳудудига ҳам кирувчи Орол денгизи фожеасини ҳамкорликда бартараф этиш атроф-муҳит муаммолари ва стратегик хавфсизлик бўйича ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишнинг ёрқин далилидир.

Бу нарса, айниқса, 1995 йилда Тошкентда БМТ Ваколатхонаси билан яқин ҳамкорликда ўтказилган Орол денгизи ҳавзаси давлатларининг тараққиётига бағишланган анжуманда намоён бўлди.

Орол фожеаси бутун инсониятга тааллуқли бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ва экологик нобарқарорликнинг жиддий омили ҳисобланади. Нукус учрашувининг натижалари Орол муаммоси бутун инсоният тараққиёти инқирозининг бир бўлаги сифатида англана бошланганидан далолат беради.

Муаммони ҳал қилишга атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича Тошкент ва Урганчда ўз семинарини ташкил қилган ЕХХТ ҳам қўшилди.

Ушбу форум ишининг муваффақиятига унда ЕХХТ Бош котиби жаноб Хойнкнинг иштироки кўп жиҳатдан сабаб бўлди.

Тошкентда ЕХХТнинг Марказий Осиеда алоқа бўйича Минтақавий Бюросининг очилиши ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳукумати бундан буён ҳам ЕХХТ билан унинг фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ва, айниқса, Европа хавфсизлигининг дунё бўйича ўрнатилаётган кенг маънодаги ишончли тизimini барпо этишда яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш тарафдори.

Шу йилнинг сентябрь, октябрь ойларида Тошкентда ЕХХТнинг фуқаролар ҳуқуқларини, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва можароларни ҳал қилиш масалалари бўйича учта семинарини ўтказиш режалаштирилган.

Демократия ва озодлик йўлидан бораётган Ўзбекистон халқаро инсонпарварлик ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан муносабатларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Тошкентда шундай ташкилотлардан бири «Хьюман райтс вотч» номли ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг минтақавий вакили аккредитациядан ўтган. Республика инсон ҳуқуқлари бўйича 16 та халқаро конвенцияларига қўшилган.

Ўзбекистон бой маънавий меросга эга бўлгани ҳолда нафакат минтақадаги, балки жаҳондаги турли маънавий ва сиёсий жараёнларга сезиларли таъсир ўтказмоқда.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрда Парижда ўтказилган 28-Сессиясида Ўзбекистон делегацияси ЮНЕСКОнинг 1996—1997 йилларда ўтказадиган тадбирлари рўйхатига киритиш учун бир қатор амалий таклифлар билан чиқди. Булар жумласига буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигини ишонлаш, дунё ҳамжамияти илмий кучларини Орол денгизи муаммоларини ҳал қилишга жалб этиш масалалари кирди.

Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси ваколатлар бўйича Комиссия аъзоси сифатида сайланди ва ЮНЕСКО Бош қароргоҳи бўйича Комитет таркибига киритилди.

Шу йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Бош қароргоҳида Амир Темур юбилейининг ўтказилиши Ўзбекистон тарихида йирик воқеа бўлди.

Президент И. Каримовнинг ЮНЕСКО Бош Директори Федерико Майор билан учрашуви Ўзбекистоннинг бу бообру халқаро ташкилот билан ўрнатган ҳамкорлиги тарихида туб бурилиш бўлди. ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонасини очиш ҳақидаги битим имзоланди.

Республиканинг Европа Иттифоқи билан муносабатлари ривожланишига — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг жаҳон ҳамжамиятига ва дунё хўжалигига кириб боришига қаратилган устувор йўналишни сифатида қаралмоқда.

1994 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш ташаббуси билан чиқди.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар борасида эришган ютуқлари мазкур битим бўйича музокараларни бошлаш ва уларни ижобий натижалар билан тугатиш учун ишончли асос яратди.

1996 йил 21 июнда бир қатор музокаралар ўтказилгандан кейин Флоренцияда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувида Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бундай олий даражада битим имзоланишини Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳукуматларининг Ўзбекистон билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларини ривожлантириш ниятларининг тим-

соли, деб билиш мумкин. Бу шунингдек, Республика мустақиллиги ва суверенитетининг қўллаб-қувватланаётганидан далолат бермоқда.

Расмий меросимнинг ўзига келганда, шунинг таъкидлаш лозимки, илгари худди шундай битимни имзолаган янги мустақил давлатлар ичида фақат Россиягина бундай шарафга сазовор бўлган эди.

Икки томоннинг иқтисодий манфаатлари, халқаро ҳаётнинг етакчи масалалари бўйича фикрлар яқинлиги ҳамда мамлакатларнинг ўз минтақаларидаги географик-сиёсий ҳолатлари Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўрталаридаги муносабатлар ривожини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Европа Иттифоқи ўзининг стратегик режаларини, иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий жиҳатдан яқинлашиб бориш мақсадида кенг миқёсдаги ва узоқни кўзловчи лойиҳаларини назарда тутган ҳолда тўзган.

1996—1999 йилларда Европа Ҳамжамияти Комиссияси миллий дастур доираларида Ўзбекистонда ТАСИС лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратадиган молиявий ёрдамни қирқ фоизга оширишни режалаштирган.

Ҳозирги сиёсий ва иқтисодий воқеликлар халқаро ҳамжамиятда интеграция ва кооперация жараёнларининг жадаллик билан бораётганидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон минтақавий интеграция ривожланиб боришининг собит тарафдорларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Марказий Осиё интеграциясига унинг ҳудудий бирлиги, алоқа тизими, иқтисодининг таянч ва етакчи тармоқларининг умумийлиги, сув хўжалиги ва энергетика объектларидан фойдаланиш ҳамда энергия ресурслари билан таъминлашдаги ҳамкорликдан келиб чиққан объектив зарурят сифатида қарайди. Бу ўринда минтақадаги тил, маданий ва маънавий бирлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

1994 йил 30 апрелда Чўлпон-Ота шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақида уч томонлама шартнома имзолади. Бу шартнома аъзо давлатларнинг ўзаро яқин алоқа ўрнатишлари ва иқтисодларининг ҳар томонлама яқинлашувига қулай шароит яратди.

Ягона иқтисодий макон товарлар, хизматлар, сармоялар ва иш кучининг эркин кириб-чиқишини назарда тутди ва унда келишилган ҳисоб-кредит, бюджет, солиқ, баҳо, бож ва валюта сиёсати амал қилди.

Ўзбекистон учун давлатлараро муносабатлар ўрнатишда МДҲ доирасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш энг устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Собиқ Иттифоқ тарқаб кетгач, Мустақил Давлатлар Ҳамжамияти давлатлараро уюшма сифатида мамлакатни тақсимлашда ҳеч бўлмаганда, Югославия мисолини кайтармаслик учун зарур бўлди.

Ҳозирги пайтда МДҲда Россиянинг миллатлар устидан ҳукм юргизадиган сиёсий тузилмалар сонини кўпайтириши ва уларда устунлик қилишга бўлган фаол интилишлари интеграциянинг табиий тараққиётига йўл бермаяпти.

Бундай фаолликни баъзи мамлакатларнинг «Белоруссия ва Россия ўртасидаги Ҳамжамият ҳақидаги шартнома» ҳамда Россия, Беларуссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўрталаридаги шартномага ишбатан билдирган салбий муносабатларининг жавоби тариқасида баҳолаш мумкин. Давлатимиз раҳбари янги мустақил давлатларнинг биргалликдаги ҳаракатлари доирасида интеграция жараёни қай йўсинда бўлиши мумкинлиги ҳақида бир неча марта гапириб ўтган эди.

Авваламбор, интеграция Ўзбекистоннинг ўз шериклари билан алоқаларида, уларнинг мафкуралари ва қайси минтақада жойлашганлари-

дан қатъи назар, унинг озодлиги, мустақиллиги ва алоқаларини чекламаслиги лозим. Интеграция кўнгиллилик ва давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосланган бўлиши керак. Шунингдек, интеграция жараёнини сунъий тезлаштириш, уни ғоявийлаштириш ва сиёсийлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон интеграция ва ҳамкорлик жараёнлари тўғрисида ўз фикрига эга бўлгани, ўзини қизиқтирган барча давлатлар билан эркин ҳамкорлик қилишида давлатлараро тузилмага хос ёндашув ва чегараланишларнинг тўғри келмаслиги туфайли юқорида зикр этилган шартномаларга қўшила олмайди.

Сўзсиз, МДХнинг келажаги кўп жиҳатдан бу уюшманинг энг муҳим бўғини — Россияга боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистон ва Россия ўртасида тенг ҳуқуқлилилик ва шерикликка асосланган фаол иқтисодий алоқалар ўрнатилмоқда. Бунинг далили сифатида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида имзоланган 70 дан зиёд шартнома ва битимни эслаб ўтиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини Россия билан МДХнинг жанубий сарҳадларида, яъни тожик-афғон чегарасида барқарорлик муаммоси ва Тожикистоннинг ўзидаги можароларни ҳал этиш масаласи боғлаб турибди.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг шаклланиши ва ривожланиши, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш мақсадида ўтказётган бозор ислохотлари минтақадаги географик-сиёсий вазиятнинг маълум даражада ўзгаргани ҳолатида амалга ошмоқда.

Ўзбекистон, ҳойна-ҳой, дунёдаги денгизга чиқиш йўли бўлмаган мамлакатлар билан ўралган ягона давлат бўлса керак. Баъзи мамлакатларнинг Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига киритиш, уни ташқи дунёдан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ажратишга бўлган интилишларини ҳам ҳисобга олмай йлож йўқ.

Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг дунё денгиз йўллариغا чиқишини таъминлаш масаласи республика келажаги учун муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.

Шак-шубҳа йўқки, Ўзбекистон учун транспорт коммуникацияларини ривожлантиришнинг энг истиқболли лойиҳаларидан бири бу — жанубий йўналишда Афғонистон ҳудуди орқали денгизга чиқиш (Тошкентдан Карочигача бўлган масофа 3 минг 140 км ни ташкил қилади). Термиз — Ҳирот — Қандаҳор — Карочи автомобиль йўлларини ва келажакда темир йўлини қуриш республиканинг минтақавий транспорт тизимидаги асосий мавқени эгаллашига имкон беради. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётга амалий таъсирни бўлади. Бундан ташқари бу лойиҳанинг амалга оширилиши Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларини фаоллаштирадиган. Ўзбекистоннинг дунё бозорларига, биринчи навбатда, Осиё — Тинч океанидек истиқболли минтақага чиқишининг энг қисқа йўли билан таъминлайди.

Сиёсий маънода Ўзбекистон олдида мазкур лойиҳанинг амалга ошишига ҳамжиҳатлик қилиш учун барча имкониятларни ишга солиш вазифаси турибди.

Нисбатан қисқа муддат ичида Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги сиёсати ғарбий йўналиши ишончли ҳуқуқий асосга эга бўлди. Озарбайжон, Грузия, Туркменистон ва Ўзбекистон раҳбарлари транспорт инфратузилмаси соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг жорий йилнинг май—июль ойларида Озарбайжон, Грузия ва Руминияга қилган расмий сафарлари натижалари ғарбий йўналишнинг истиқболлини шунингдек, қатор давлатларнинг ушбу йўлларни замонавийлаштириш ва фойдаланишга тайёр эканларини тасдиқлади.

Юртимиз Мустақиллиги эълон қилинганига бор-йўғи беш йил бўлди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг буюк келажак томон дадил қадам ташлаб бермоқда. Унинг муваффақият билан халқ фаровонлиги юқори даражада ривожланган давлатга айланиши учун деярли барча имкониятлар мавжуд. Булар ажойиб табиий иқлим шароити, турли ер ости бойликлари, ривожланган транспорт тизими ва энергетика базаси, савдо ва сайёҳлик йўллари кесишган ердаги муҳим геостратегик мавқеи, юқори илмий имкониятлар, ички барқарорлик, фуқаролар иноқлиги ва очиқ ташқи сиёсатдан иборатдир.

С. А. ШАДИЕВА

О ПРАВОВОМ СТАТУСЕ СНГ

Распад бывшего Союза ССР и образование СНГ поставили перед народами и государствами — членами СНГ множество проблем: политических, экономических, национальных, моральных, — прежде всего связанных с утверждением реального суверенитета каждой республики, становлением их как равноправных субъектов международного права.

Создание СНГ стало решительным шагом, значение которого трудно переоценить. Оно положило начало новому этапу в истории бывших союзных республик и народов, их населяющих. Основной задачей Содружества является согласование позиций его членов в областях, представляющих взаимный интерес.

Как правило, любые процессы или исторические события в обществе объективно обусловлены и являются следствием каких-либо явлений или событий, имевших место ранее. Так что, говоря о создании СНГ, нельзя не обратиться к истории его образования и причинам распада бывшего Союза ССР. К последним можно отнести очень много факторов, среди которых следует особо отметить неразрешенность проблемы суверенитетов союзных республик, утопический подход к национальным и межнациональным проблемам, фиктивность федеративного устройства в бывшем «нерушимом» Союзе.

Обеспечение подлинного суверенитета членов федеративного государства является одной из сложнейших политико-правовых проблем. Государственный суверенитет, как известно, проявляется в специфических признаках, к которым относятся верховенство, независимость, неограниченность, неделимость, неотчуждаемость. Первые два признака присущи суверенной власти: она верховна внутри государства и независима вовне. Неограниченность суверенитета означает не его абсолютность, а неограниченность правовую, т. е. то, что суверенитет одного государства не может быть ограничен суверенитетом другого государства. неделимость и неотчуждаемость суверенитета говорят о том, что суверенная воля государства не может быть разделена или отчасти передана кому-то. Суверенитет либо есть, либо его нет, третьего не дано. Таким образом, суверенитет — это свойство государства, не подлежащее отчуждению.

В прошлом в нашей государствоведческой науке высказывалось несколько точек зрения на проблему суверенитета в бывшем СССР. Но все они были сформированы под сильным идеологическим прессингом и призваны были оправдывать установленные взаимоотношения между республиками и федерацией. Наибольшее распространение получили следующие концепции:

- 1) суверенитетом обладают и Союз, и республики;
- 2) суверенным является Союз, а республика обладает ограниченным суверенитетом;

3) республики утрачивают полностью суверенитет, ибо передают его Союзу;

4) суверенным является Союз, а суверенитет республик приостанавливается, но они обладают «потенциальным» суверенитетом;

5) суверенитет делится между Союзом и республиками;

6) суверенитетом обладают только республики.

На практике же с первых лет создания бывшего Союза законодательное закрепление получила идея «ограниченного» суверенитета союзных республик. «Суверенитет союзных республик, — гласила ст. 3 Конституции 1924 г., — ограничен лишь в пределах, указанных в настоящей Конституции, и лишь по предметам, отнесенным к компетенции Союза». Это же положение нашло отражение и в Конституции 1936 г. С теорией «ограниченного суверенитета» была тесно связана идея «потенциального» суверенитета, суть которой сводилась к следующему: каждая республика имеет право выхода из состава Союза и при осуществлении этого права ее потенциальный суверенитет становится реальным. С точки зрения этой идеи, суверенитет сводится только к праву выхода из состава федерации. Совершенно очевидно, что теория «ограниченного» и «потенциального» суверенитета служили для прикрытия жесткой централизации и ограничения реальной самостоятельности республик.

Учитывая такие неотъемлемые признаки суверенитета, как неделимость и неотчуждаемость, можно сделать вывод, что, вступая в Союз, республики фактически утратили свой суверенитет. Конституцией 1977 г., казалось бы, закреплялся и признавался полный суверенитет союзных республик, однако на практике наблюдались еще большая централизация и зависимость республик от союзных структур.

Острое противоречие между формальным закреплением суверенитета союзных республик в Конституции 1977 г. и фактическим проведением жесткой централизации, процессом дальнейшей унитаризации советской федерации и явилось одной из наиболее важных причин ее кризиса и развала бывшего Союза.

Противоречие между правовым «словом» и «делом» наблюдалось и по другому аспекту. Начиная с первых Конституций СССР, провозглашалось право свободного выхода из федерации ее субъектов, т. е. в статус федерации были привнесены конфедеративные элементы. Однако все конституционное законодательство, начиная с Договора об образовании СССР, лишь формально декларировало это право, не закладывая реальный механизм для практического выхода республик из федерации. Очевидно, что сама возможность того, что какая-либо республика заявит о желании выйти из состава СССР, изначально не допускалась. В действительности ни один из народов бывшего Союза не мог свободно выбрать путь своего развития, самостоятельно решить — оставаться ли ему в составе федерации или выйти из нее. Все звенья существовавшего режима исключали такую возможность.

Впервые о необходимости выработки механизма выхода союзной республики из состава федерации вспомнили в период «перестройки», когда Верховный Совет СССР принял Закон «О порядке решения вопросов, связанных с выходом союзной республики из СССР», который в народе справедливо прозвали «законом о невыходе союзной республики» — настолько была усложнена в нем процедура «выхода». Этот Закон был принят «под занавес», в обстановке фактически начавшегося процесса распада СССР и вскоре вообще утратил всякую силу и смысл ввиду развала Союза.

Еще одной из важнейших причин распада СССР явился глубокий кризис межнациональных отношений. Национальный вопрос в послед-

ше годы перед распадом Союза характеризовался болезненной остротой. Долгое время накапливавшиеся подспудно проблемы, которых не хотели замечать, наконец, вырвались наружу в виде решительных национальных требований, прямо выраженного желания народов самоопределиться.

Все это явилось прямым следствием ущербной национальной политики, проводившейся в стране на протяжении 70 лет, как правило, утопической, игнорировавшей интересы наций, оторванной от реальных процессов их развития и международных отношений.

Прежде всего необходимо отметить, что все устойчивые федерации в мире построены по территориальному принципу, «который позволяет избежать суверенитетного бума, отражающего стремление к самоутверждению все большего числа этносов, и служит своеобразной гарантией против распада федерации»¹. В бывшем Союзе федерация строилась на основе национального принципа. Еще в Декларации прав трудящегося и эксплуатируемого народа провозглашалось, что «Советская Российская республика учреждается на основе свободного союза свободных наций как федерация советских национальных республик». То есть предполагалось, что каждая нация будет иметь свою государственность. Однако практика пошла по другому пути, а в результате в стране сложилась сложная иерархическая национальная государственность: некоторые нации получили государственность в виде союзной республики, другие — в форме автономных республик, областей, округов и даже национальных районов и сельсоветов².

Такое «национальное устройство», естественно, приводило к неравноправию наций в стране. Официально «ленинская национальная политика» провозглашала равенство всех больших и малых этносов страны. Но фактически шла унификация всего населения, без учета национальных традиций и обычаев каждого народа; повсеместно проводилась стандартная политика, действовала единая система управления, выгодная и угодная «центру».

«Советская федерация», по замыслу ее создателей, должна была служить переходной формой на пути «к полному единству наций»³. Курс на «стирание» национальных различий и формирование «новой исторической общности — советский народ» вызывал естественное неприятие широкой массы людей различных национальностей. Коренное население национальных республик не чувствовало себя хозяевами на своей же исторической Родине. Все это закономерно вело к нарастанию стремления народов к подлинному суверенитету, самоопределению и выходу из состава Союза. А в итоге 21 декабря 1991 г. одиннадцать бывших союзных республик официально объявили о роспуске СССР. Прибалтийские республики вышли из Союза еще ранее. Независимость Узбекистана была торжественно провозглашена 31 августа 1991 г.

И это вполне закономерно. Народы всех республик мечтали о самостоятельной внутренней и внешней политике, о скорейшем разрешении острых политических, экономических, социальных и иных проблем. Стремление это было всеобщим и, очевидно, именно поэтому, как отмечается в печати, «ликвидация СССР произошла в обстановке относительного социального спокойствия, демократическим и парламентским путем»⁴.

¹ Государство и право. 1992. № 6. С. 32.

² Вдовин А. И. Идея добровольного союза суверенных народов в истории и на современном этапе // Вестник МГУ. Серия История. 1992. № 1. С. 71.

³ См. там же.

⁴ Херардо Брачо, Карлос Тельо Масиас. О распаде СССР // Латинская Америка. 1992. № 12. С. 31.

Сразу же после роспуска бывшего Союза по воле народов ставших подлинно независимыми республик в повестку дня был поставлен вопрос об образовании Содружества независимых государств. За его создание высказался и суверенный Узбекистан. И это вполне естественно и закономерно. Опыт мирового сообщества наглядно показывает, что для достижения своих интересов государства довольно часто создают различные объединения. Примером может послужить Европейский Союз: в тех областях, где совместная деятельность его членов была наиболее активной, там были достигнуты наибольшие результаты (торговля, сельское хозяйство и др.).

Причины создания СНГ четко и ясно проанализировал Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов в своей работе «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса»⁵. К ним относятся прежде всего факторы экономического порядка. Экономика республик требует для своего устойчивого развития налаживания тесных хозяйственных взаимосвязей, совместного регулирования проблем транспортного, энергетического комплексов и др.

Важным фактором является и многонациональный состав населения всех республик. Миллионы людей разных национальностей проживают в разных республиках, имеют там родственников и близких.

Молодые суверенные государства еще только делают первые шаги по укреплению своих позиций в мировом сообществе как в экономическом, так и в политическом плане. Быстрее добиться успеха на этом поприще возможно путем сохранения всесторонних связей с другими республиками бывшего Союза, тем более близкими в территориальном отношении.

Создание Содружества обеспечило уникальную возможность совмещения двух исторических процессов: формирования и укрепления независимых государств, их государственного самоопределения и их качественно новой интеграции, действительно добровольного и взаимовыгодного объединения в Содружество. Вообще для современного мира характерны интеграционные процессы, что наглядно видно на примере Западной Европы, да и многих других регионов.

Содружество независимых государств — такая международная организация, которая не имеет аналогов в мировой практике. Оно создано усилиями государств, длительное время бывших составными частями единого целого. Оно возникло не только на основе доброй воли и желания народов сотрудничать между собой, но прежде всего в силу объективной необходимости, обусловленной исторически, порожденной многими факторами политического, экономического и иного характера. С одной стороны, все молодые государства устанавливают дипломатические отношения с «дальним зарубежьем», признаются мировым сообществом, т. е. идет нормальный процесс становления их государственности и все более широкого выхода на международную арену, а с другой, — наблюдается стремление их к сотрудничеству между собой, сохраняется относительная «прозрачность» границ, в некоторых республиках даже имеет хождение российская валюта. Все это говорит об особом статусе СНГ и его членов.

В исследованиях, проведенных различными учеными, прослеживаются две основные точки зрения относительно статуса СНГ. Первая исходит из того, что Содружество представляет собой конфедерацию. Но является ли оно действительно конфедерацией? Конфедерация — это объединение государств, создаваемое для согласованного решения задач, достижения интересов в какой-то конкретной сфере, как прави-

⁵ Каримов И. А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. Ташкент, 1992.

ло, в области внешней политики и в военных вопросах. Конфедерация, как известно, являет собой международно-правовое объединение, т. е. государства, в нее входящие, полностью сохраняют свой суверенитет и строят взаимоотношения на договорной основе, исходя из норм международного права. Исторический опыт свидетельствует о том, что конфедерация всегда была формой не постоянной, а, скорее, переходной. Все создававшиеся в прошлом конфедерации существовали недолго и в конце концов либо распались, либо объединялись в федерацию.

Государства СНГ не ставят перед собой цели объединиться в новую новую федерацию. Правда, в некоторых публикациях проводится мысль о будто бы конфедеративной форме сотрудничества государств — членов СНГ⁶. В трудах и выступлениях Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова убедительно показана полнейшая несостоятельность подобной точки зрения⁷.

Другая точка зрения на правовой статус СНГ, на наш взгляд, является наиболее верной, она исходит из того, что СНГ — это международная организация полностью равноправных, суверенных государств.

Международная организация должна объективно отвечать тем признакам и требованиям, которые выработаны теорией международного права и практикой международно-правовых отношений. Они заключаются в следующем. Членами международной организации являются суверенные государства; организация создается на основе учредительных документов и соответственно организует свою деятельность; она является самостоятельным субъектом международного права и обладает собственной волей; международная организация должна иметь свои органы, которые выступали бы от ее имени; ее цели, задачи и принципы деятельности не должны противоречить международно-правовым актам. Организация СНГ отвечает всем этим требованиям, что и позволяет сделать вывод о том, что это — международная организация.

Содружество существует уже несколько лет, и многое говорит за то, что интеграционные процессы в его рамках развиваются. На нынешнем этапе развития наших молодых государств их укрепление во многом зависит от состояния СНГ в целом. Это практически единственный путь сохранения подлежащих взаимосвязей между независимыми республиками. Сотрудничество в рамках СНГ служит им гарантией успешного решения многих внутренних и внешних проблем. Позиция Узбекистана, его руководства по отношению к Содружеству не раз выражалась в предельно ясной, четкой, однозначной форме. Суть ее сводится к следующему: «В центре внимания внешней политики нашего государства стоит задача укрепления равноправных и взаимовыгодных связей между странами Содружества Независимых Государств»⁸.

В свете сказанного очевидна объективная необходимость глубокого и всестороннего изучения различных аспектов организации и деятельности Содружества, его правовой природы и статуса членов СНГ. Это очень важно прежде всего с политической точки зрения в плане создания надежной теоретической основы для дальнейшего строительства и укрепления этого сообщества, правильного понимания перспектив его развития с учетом коренных интересов всех входящих в него независимых государств, в том числе Узбекистана, утверждения их позиций на международной арене как полноправных членов мирового сообщества.

⁶ См., напр.: Златопольский Д. Л. Феномен нового государственного единства вместо СССР: перспектива развития // Вестник МГУ. Серия Право. № 2; Ржевский В. А. Указ. статья. С. 35.

⁷ См.: Каримов И. А. Наш путь — путь независимой государственности и прогресса. Ташкент, 1994. С. 31; и др.

⁸ Там же. С. 28.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон ўзининг муқаддас орзуси бўлган давлат мустақиллигига эришиши билан ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Республиканинг жаҳон иқтисодиётига фаол кириб бориш жараёни бошланди. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида» қонунлар қабул қилинди, ташқи иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўйишга қаратилган қатор фармонлар чиқди. Четга маҳсулот чиқаришда воситачилик ҳаракатларини чегаралаш бекор қилинди. Чет эл инвестициясини республикага жалб қиладиган қўшма корхоналар ташкил этишдаги бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда. Чет эллик инвесторлар республика қонунлари тақиқламаган барча фаолият турлари билан амалда шуғулланиш имкониятларига эга бўлдилар. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, республика ҳудудида қўлга киритган фойдасидан эркин фойдаланиш, солиқ имтиёзларига эга бўлиш кафолатлари яратилди, буларнинг бари келгусида республика иқтисодиётини ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш ҳамда республикамизнинг энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрни олиши учун қилинаётган эзгу ишлардир.

Республикамизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг дастлабки йиллари ўтиш муаммолари ҳамда илгаридан мерос бўлиб қолган ишлаб чиқаришнинг иррационал тизими, нисбатан паст турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган, анчагина қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи сифатида бизнинг бозор муносабатларига ўтишимизда содир бўладиган салбий ҳолатлар таъсирининг олдини олишга йўналтирилган қадам-бақадам чоралари аҳолининг асосий озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари истеъмолининг кескин пасайиши ва оммавий ишсизликнинг пайдо бўлишининг олдини олди, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқа соҳаларнинг фаолиятини таъминлади.

Натижада 1991—1994 йиллар ишлаб чиқаришнинг пасайиши Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатларига нисбатан анча кам бўлди. Давлат ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайишига қарамасдан, иш билан таъминлашни юқори даражада қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солди. Бунинг учун республикада 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи тармоқ тузилди¹.

Давлат ва унинг раҳбарлари одамларнинг янги бозор муносабатларига ўтишида қўлдан келган ҳамма ишни қилдилар ва қилмоқдалар. Меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланиши кенг қамровли ҳукумат дастури орқали таъминланди.

Давлат нарх-навоининг ўсиб кетаётганлиги муносабати билан пенсиялар ва нафақалар миқдорини мувофиқлаштириб, тўхтовсиз суръатлар билан ошириб бормоқда.

Иш ҳақи миқдори мунтазам равишда қайта кўриб чиқилмоқда. Одамлар тўғрисида, ҳар бир инсон тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг энг катта бойлиги сифатида ғамхўрлик қилинмоқда.

Албатта, бозор муносабатларига ўтиш осонлик билан кечмайди. Бу соҳадаги ҳар бир кичик таъмирлаш тадбири муайян харажатлар ва нуқудайликлар билан боғлиқ бўлади.

Мана шу барча қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва бозор ислоҳотлари йўлидан ишонч билан бор-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995. 101-бет.

моқда. 1994 йилнинг май ойида ишлаб чиқариш шу йилнинг январь ойига қараганда 20 фоиз ўсди. Бюджет камомати 4,8 фоизни ташкил этди, яъни кутилган даражадан камроқ бўлди. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатида, шунингдек, электр энергияси, нефть ва газ қазиб чиқариш саноати, нефтни қайта ишлаш ва кўмир қазиб чиқариш сингари тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми ортди².

Ҳозирги даврдаги чуқур ислохотларнинг амалга оширилаётган пайтида собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганлиги туфайли республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ниҳоятда издан чиққан бир шароитда ташқи иқтисодий алоқаларнинг роли ва аҳамияти беқиёс ортиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон бошқа ривожланган мамлакатлар билан биргаликда халқаро меҳнат тақсимотида фаол қатнашиш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун катта имкониятларга эга бўлди. Республикада зарур минерал хом ашё, ўсимлик ресурслари, қишлоқ хўжалик тармоқларини ривожлантириш учун табиий иқлим шароитлари мавжуд, илмий-ишлаб чиқариш имкониятлари етарлидир. Шунинг учун ҳам ташқи иқтисодий комплексни бошқаришни такомиллаштириш ва хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, валюта-молния ва илмий-техникавий алоқаларни амалга оширувчи турли вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, ташкилотларнинг ишнинг мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди. У ягона ташқи иқтисодий алоқа сиёсатини ишлаб чиқиш ва юргизиш, бу борада давлат манфаатларини ҳимоя этувчи органга айланди.

Ўзбекистон қисқа вақт ичиде бир қатор етакчи иқтисодий ва молиявий бирлашмалар — Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё давлатларининг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Қора денгиз мамлакатларининг Иқтисодий уюшмаси, БМТнинг Осиё ва Тинч океан учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқини сақлаш ташкилоти, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки сингари кўпгина ташкилотларнинг аъзоси бўлди.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан икки томонлама иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилди. Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Австрия, Бельгия, Италия, АҚШ ва бошқа кўпгина давлатлар билан кун сайин ўзаро фойдали алоқалар кенгайиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг янги-янги шакллари вужудга келтирилмоқда. Республикада хорижий сармоялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда республика ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 1450 тадан ошди, хорижий сармоя билан ишловчи корхоналар 110 тага етди. 1995 йилнинг бошида Ўзбекистонда дунёнинг 25 мамлакатига қарашли хорижий фирма, банк ва компанияларнинг 166 та ваколатхонаси ишлаб турди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки дунёнинг 80 та йирик банкида вакиллик ҳисобини очган³.

Республикада 1994 йилга келганда, 500 дан зиёд қўшма корхоналар мавжуд эди. Улар орасида етакчи ўринлардан бирини «Совпласт-итал» қўшма корхонаси эгаллайди⁴. Бу қўшма корхона турли хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўзининг рақобатга бардошлилиги билан фақат республикамиздагина эмас, балки ташқи бозорларда ҳам машҳурдир.

² Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Тошкент, 1994. 35—36-бетлар.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 109—110-бетлар.

⁴ Тўхляев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. Тошкент, 1994. 93-бет.

Ўзбекистондаги корхоналар, бирлашмалар ва фирмаларнинг жаҳон бозорига ўзи мустақил равишда чиқиш доираси кенгайиб бормоқда, бу ҳол ташкилий-хўжалик тузилмаларини вужудга келтиришни рағбатлантирмоқда. Республикада четга маҳсулот чиқаришни кескин ошириш муҳимлиги ва бунинг имкониятлари хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов шундай таъкидлайди: «Биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

учинчидан, республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобат бардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш⁵ лозим. Ана шундагина биз жаҳон бозори ва ривожланган мамлакатлар билан боғлиқ бўлган очиқ иқтисодиётни барпо эта оламиз. Республикамизда эса, бу ишларни амалга ошириш учун барча имкониятлар бор. Энг асосийси, юртимизда миллатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорлик мавжуд бўлиб, бу нарса бошқа мамлакатлар сармоядорларининг ишонч билан биз билан ҳамкорлик қилишларига йўл очиб беради ва уларнинг республикамизга бўлган қизиқишларини янада орттиради.

Ташқаридан республикамизга киритилаётган маҳсулотнинг асосий қисмини саноат маҳсулотлари ташкил этади. Четдан келтириладиган моддий ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотининг 80 фонддан зиёроғининг МДҲ республикалари ҳиссасига тўғри келмоқда⁶. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан муносабатларимизни ҳар томонлама ривожлантириш бу мамлакатларда яшовчи миллатларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашда ва бу, ўз навбатида, ҳар бир мамлакат ичидаги миллатлараро муносабатлар такомиллашувига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Ҳар қандай давлатда тинчлик, осойишталик барқарор бўлар экан, бундай давлат ўз тараққиёти йўлидан дадил олга бораверади, бундай давлатнинг обрў-эътибори ҳам, куч-қудрати ҳам кун сайин ортиб бораверади. Шундай экан, ҳозирги барқарор ривожланишни сақлаб қолишимиз ва уни янада мустаҳкамлаш учун интилмоғимиз керак. Бу эса давлатимиз янада равнақ топиши ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун, унда истиқомат қилаётган барча миллатлар манфаатлари учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган энг асосий омиллардан Ўзбекистонга янги техника ва технологияни, чет эл бошқариш тажрибасини киритиш, бозорни зарур товар ва хизматлар билан таъминлаш, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашдир. Ана шу вазифаларни амалга оширишда республикамизда анчагина ишлар қилинди. Бу соҳада, айниқса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан бевосита ва ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади ва 1991 йил 21 декабрда унинг муассислари таркибига кирди. Барча иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида бу ташкилотни мустаҳкамлаш ва ри-

⁵ Қаримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 115-бет.

⁶ Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти... 94-бет.

вожлантириш ишларида фаол иштирок этмоқда. Ҳамдўстлик доирасида Россия, Украина, Белорусь, Молдова ва МДХдаги бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ташқи сийосий, савдо-иқтисодий ва бошқа шартнома ва битимлар имзоланди. Барча МДХдаги мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳамдўстликдаги мамлакатлар орасида Ўзбекистоннинг обрўси ва мавқеи ортиб бормоқда. 1994 йилда Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан товар обороти 1,8 миллиард долларни ёки МДХ мамлакатлари билан умумий товар оборотининг 63,0 фоизини ташкил этди. Бир неча юз миллион долларга жуда муҳим маҳсулотлар, жумладан, нефть, авиация керосини, металл прокати, ёғоч-тахта, спирт, озиқ-овқат ва бошқа товарлар келтирилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон салкам бир миллиард долларлик маҳсулот етказиб берди⁷.

Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва яқин ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Минтақа аҳолиси ўртасида ўхшаш тарихий-этноик жиҳатлар ва турли-туман ўзаро алоқаларнинг борлиги туфайли, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари орасида яқин муносабатларни шакллантириш учун қулай шароитлар мавжуд. Дарҳақиқат, Марказий Осиёдаги қондош халқларнинг тарихи, маданий анъаналари бирлиги, турмуш тарзи, тили ва дини, халқ одатлари ва ҳунарларининг яқинлиги ҳамда бир-бирига ўхшашлиги билан туғилганлардек бўлиб яшаб келмоқдалар. Бу давлатлардаги ҳозирги кундаги сийосий, иқтисодий, маданий, экологик, демографик муаммолар ҳам бир хилда бўлиб, уларнинг иқтисодиёти бир-бири билан туташиб кетган ва улар бир-бирига таъсир ўтказиб турибди. Бу эса минтақадаги халқларнинг ўзаро яқинлиги ва биродар эканлигидан, уларнинг муштарақ бирлиги қадим-қадимдан эканлигидан далолат беради. Миллатлараро дўстлик ва қардошлик ришталарининг мустақиллигимиз шарофати билан янада мустаҳкамланиши учун бу давлатлардаги ҳар бир миллат вакили астойдил хизмат қилмоқда. Бу соҳада, айниқса, давлат раҳбарларининг олиб бораётган сийосатлари жуда муҳим ўрин тутад.

Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон билан ҳамкорлик, дўстлик алоқаларининг ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораётганлиги Ўзбекистон ташқи сийосатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Булар таъкидлаб ўтилганидек, тарихи, дини, анъаналари битта, умумий бўлган давлатлардир. Бундай муштарақлик янги иқтисодий, сийосий ва маданий муносабатлар ўрнатиш учун асос бўлиб хизмат қилади, ушбу мамлакатларнинг гуллаб-яшнашига гаров бўлади. Ўзбекистон раҳбарияти мазкур минтақадаги мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатиш учун ҳаракат қилмоқда ва қадам-бақадам бундай муносабатларни ўрнатиб, турмушга татбиқ этиб келмоқда. Тожикистонда сийосий танглик юз бериб, фожияли кунлар бошланганда бу мамлакатга Ўзбекистон кўрсатган сийосий ва иқтисодий ёрдам, Транс-Осиё темир йўли магистралини ҳамкорликда қуриш тўғрисида келишиб олинганлиги ана шундай ҳамкорликнинг яққол далилидир.

Ўзаро фойдали ҳамкорликнинг афзалликлари кенг давлатлараро алоқаларнинг ўрнатилишига имкон яратди, бу алоқалар ҳукуматлараро шартнома ва битимлар асосида Марказий Осиё Республикалари ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий ва техникавий ҳамкорликни кўзда тутди. Бир вақтнинг ўзида хусусий шахслар, корхона ва ташкилотлар ўртасида бевосита алоқалар ҳам кенгаймоқда. Яқин дўстлик ва савдо алоқалари собиқ Иттифоқ даврида тузилган товар алмашув тар-

⁷ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чқурлаштириш йўлида. 114-бет.

моқларини тўлдиришга, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, ёқилғи-энергетика ва бошқа ресурсларни ўзаро манфаатли алмашув жараёнини ривожлантириши, саноат ва қурилиш соҳасидаги ҳамкор объектларни барпо қилишга ёрдам беради.

Городище Кавардан расположено на северной окраине сел. Кавардан, в 25 км к востоку от Ташкента. Оно вытянуто вдоль древнего русла р. Чирчик и состоит из цитадели, двух шахрестанов и крупного курганного могильника, примыкающего к городищу с севера. Часть его территории освоена под современную застройку.

Ранее проведшиеся работы привели к выводу, что город существовал с IV по XIII в. н. э. Однако работы последних лет дали материал, который указывает на обживание данной территории в более ранний период. В 1986 г., во время строительных работ в северной части шахрестана I, бульдозером была вырыта траншея длиной 38 м и шириной 4 м. В результате осмотра стенок траншеи на глубине 3,5 м были обнаружены фрагменты лепной круглодонной керамики бугулюкской культуры. В связи с этим к северу и югу от траншеи были развернуты археологические работы³. Раскопки показали, что вплоть до VI яруса материал верхних и нижних слоев перемешан. В VII ярусе культурные слои неожиданно подстилает горизонт чистого плотного лёсса желтоватого цвета, в котором полностью отсутствует какой-либо археологический материал. Однако во время дальнейших работ под этим слоем на глубине почти 4 м были расчищены остатки двух полуземлянок, вырытых в материковом лёссе.

В процессе расчистки первого жилища на глубине 4,1 м от дневной поверхности был обнаружен пол. Он покрыт слоем золы толщиной 3—5 см. Жилище больших размеров, но его контуры пока окончательно не установлены, ибо часть стен уходит за пределы раскопа. На полу полуземлянки выявлены небольшой очаг прямоугольной формы и хозяйственная яма. Последняя заполнена золой, костями животных, их обломками и фрагментами бугулюкской керамики.

В 1989 г. раскоп был расширен к юго-востоку. Размеры площадки 5×3 м. Картина залегания слоев в общем повторилась. Вновь в VII ярусе зафиксирован слой чистого плотного лёсса желтоватого цвета. Ниже выявлено еще одно бугулюкское жилище в виде полуземлянки, вырытой в материковом лёссе. Пол ее расположен на глубине 3,25 м от дневной поверхности. Полуземлянка имела подквадратную форму, размеры ее с севера на юг — 2,65 м, с запада на восток — 2,5 м. В юго-западном углу был устроен вход шириной 0,75 м.

При зачистке пола вдоль южной стены выявлен очаг — кострище в виде длинной полосы, ширина которой в западной части 0,45 м, в восточной — 0,35 м. Очаг был заполнен золой, древесными угольками, обломками костей животных, фрагментами бугулюкской керамики и кусками глины, обгоревшей до красного цвета. Подобное расположение очага, как и его форма, необычны. Чаще всего очаг в бугулюкских жилищах расположен в глубине, напротив входа⁴. На наш взгляд, это, скорее всего, — остатки напольного кострового обогрева в холодный период года. Поскольку специальный дымоход в землянке, видимо, отсутствовал, то дым должен был вытягиваться через вход.

Во всех трех бугулюкских жилищах собран довольно обильный и интересный материал: каменная терка для растирания красок, четыре обломка каменных зернотерок, две глиняные загостки под прислице округлой формы, глиняная печать округлой формы (с одной стороны у нее плоская, ровная поверхность, с другой нанесен растительный орнамент). Кроме того, в полуземлянках собраны остеологический материал (91 целая и фрагментированная кость животных) и 425 фрагментов

² См., напр.: Дуке Х. Туябугузские поселения бугулюкской культуры. Ташкент, 1982.

³ Работы вели К. Алимов и Х. Дуке.

⁴ Дуке Х. Указ. соч. С. 76.

керамики. Посуда лепная и почти вся круглодонная. Сосуды изготовлялись ленточным способом и на матерчатом шаблоне.

1. Котлы — круглодонные, полусферической формы, со слегка отогнутым наружу венчиком. У многих котлов под венчиком с одной стороны расположен носик-слив, с другой — горизонтальная ручка-выступ. Черепок в изломе кирпичного цвета, реже серый или коричневым. В процессе использования тулово многих котлов снаружи прокопилось до черного цвета. Один из котлов был не круглодонный, а с уплощенным днищем и округлым шаровидным туловом. Черепок в изломе двухцветный: по краям коричневый, в середине серого цвета, толщиной 1 см.

2. Горшковидные сосуды. Все они — круглодонные, с округлым шаровидным туловом, невысокой горловиной и отогнутым наружу венчиком. Некоторые из них имеют под венчиком с одной стороны носик-слив, с противоположной — горизонтальную ручку-выступ, но меньших размеров, чем у котлов. Часть горшковидных сосудов формовалась на матерчатом шаблоне, о чем свидетельствуют отпечатки ткани на внутренней поверхности. Вероятно, носики-сливы и горизонтальные ручки-выступы лепились отдельно, а затем прикреплялись к стенке сосудов. Ряд горшковидных сосудов имеет под венчиком либо ниже на горловине полусферические или сосцевидные налеты.

Отдельно отметим два сосуда. Первый из них представляет собой лепной круглодонный горшок с округлым шаровидным туловом, невысокой горловиной, отогнутым наружу венчиком. На плечики небрежно нанесен процарапанный волнистый орнамент. Второй — также лепной круглодонный горшок с округлым туловом, невысокой горловиной и отогнутым наружу венчиком. На плечики нанесен геометрический орнамент в виде треугольника.

Кроме того, важно отметить появление в этой группе и других новых элементов. Один из горшков был не круглодонный, а с уплощенным дном, но с округлым шаровидным туловом. Черепок в изломе двухцветный — края коричневые, а середина серая, что указывает на некачественный обжиг.

3. Миски. Лепные, круглодонные, полусферические, с большим диаметром венчика. У большинства мисок венчик слегка вогнут внутрь, у некоторых — прямой. Стенки мисок утолщаются к донцу и сужаются к верхней части. Черепок в изломе кирпичного цвета, толщиной 0,7—0,8 см.

4. Миниатюрные сосудики. Лепные, круглодонные, полусферической формы, венчик слегка вогнут, черепок в изломе сероватого и коричневого цвета. Толщина стенок — 0,7 см.

5. Крышки. Все они вылеплены от руки в виде плоского диска, в центре верхней стороны крышки приделаны ручки наподобие кубических выступов, черепок в изломе серого и коричневого цвета. Толщина диска от 1 до 1,7 см.

6. Жаровни. Плоскодонные, лепные, с толстыми устойчивыми дном, короткими вертикальными стенками, венчик слегка вогнут; характерна большая примесь древесины в тесте. Почти все сильно закопчены; черепок в изломе коричневого цвета толщиной от 1 до 1,4 см.

7. Чашечки. Все они тонкостенные, лепные, круглодонные. Часть из них сформована на матерчатом шаблоне. Стенки, сужаясь к венчику, утолщаются в придонной части. Венчик слегка вогнут внутрь. Некоторые чаши покрыты светлым ангобом. Черепок в изломе розового цвета, иногда с мелкими известковыми включениями, толщиной от 0,3 до 0,7 см.

Принадлежность комплекса к бургулюкской культуре очевидна. Лепная круглодонная керамика из полуземлянок Кавардана находит близкие параллели среди керамики бургулюкской культуры Ташкентского оазиса. Так, круглодонные полусферические котлы, у которых под венчиком с одной стороны расположен носик-слив, с другой — горизонтальная ручка-выступ, идентичные каварданским, были найдены А. И. Тереножкиным в 1940 г., во время работ по Ташкентскому каналу⁵. Сотни таких котлов собраны туябугузской группой Шаш-Илакской экспедиции по берегам р. Ахангаран⁶. Подобные котлы встречены и в нижних слоях городища Шаштепа⁷. Остальные ведущие формы бургулюкской керамики — горшковидные сосуды и миски — находят близкие аналоги по существу в тех же керамических комплексах, что и котлы⁸.

⁵ Тереножкин А. И. Памятники бургулюкской культуры // Древняя и средневековая культура Чача. Ташкент, 1979. С. 19—20. Рис. 6.

⁶ Дуканов Х. Указ. соч. Рис. 6, 5—8.

⁷ Буряков Ю. Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе // ИМКУ. Вып. 10. Ташкент, 1973. С. 44. Рис. 4, 5, 7, 8; Филанович М. И. Ташкент: Зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент, 1983. С. 42. Табл. 1, Д.

⁸ Тереножкин А. И. Памятники бургулюкской культуры. С. 19. Рис. 5, 2, 4; Дуканов Х. Указ. соч. Рис. 8, 1, 2; рис. 9, 10, 12; Буряков Ю. Ф., Дадабаев Г. Указ. статья. Рис. 2, 3; рис. 3, 5; Филанович М. И. Указ. соч. С. 42; Табл. 1, Д.

Все выявленные формы посуды находят аналоги в керамических комплексах обоих этапов Бургулюк I—II. Однако сочетание двух факторов: отсутствие в каварданском комплексе расписной керамики и появление новых элементов в орнаментации и формах сосудов — позволяет отнести его к финальной фазе бургулюкской культуры и датировать этапом Бургулюк II, т. е. VI—IV вв. до н. э. Причем верхняя граница комплекса, вероятнее, определяется серединой III в. до н. э. В пользу этого говорят не только устойчивое проявление в нем инноваций, получивших широкое распространение в последующей, каунической культуре, но и анализ материалов соседних регионов, окружающих Ташкентский оазис.

Материалы позднебургулюкского типа можно сопоставить с усуньской керамикой Южного и Восточного Казахстана III—II вв. до н. э. Целый ряд аналогий обнаруживается в комплексе Актэмо-Кунайского и Суфанского могильников Ферганы V—III вв. до н. э.⁹

Таким образом, важнейшим результатом работ последних лет на городище Кавардан стало открытие бургулюкского поселения. Выявлены три полусмляпки, причем одна из них вскрыта полностью. Собран интересный материал, характеризующий хозяйственную деятельность жителей. Керамический материал своеобразен и датируется этапом Бургулюк II. Это очень любопытный и принципиально важный момент, ибо ранее в окрестностях Кавардана была найдена керамика культуры степной бронзы. Видимо, где-то в период Бургулюк II общины древних земледельцев оставляют свои традиционные центры в западной (равнинной) части оазиса и выдвигаются дальше, на север и северо-восток. Именно в этот период они оседают в районе современного Ташкента и в предгорной полосе, на землях, ранее занятых кочевыми племенами степной бронзы. При этом, вероятно, сохраняется и мелко-оазисный принцип расселения.

Трудно судить на имеющемся материале, чем вызвана эта подвижка населения — притоком нового этноса, вытолкнувшего бургулюкцев из насыщенных мест, или техническими достижениями, переходом от лиманного земледелия к поливному, что позволило освоить новые земли. Любопытно, что именно в это же время в бургулюкском комплексе получают распространение сакские элементы¹⁰.

Среди круглодонных форм, характерных для бургулюкской культуры, появляются сосуды с уплощенным или плоским дном. Пока еще робко, но начинает меняться украшение внешней поверхности сосудов. Вместо росписи темно-коричневой краской по светлому или светло-розовому черепку появляется процарапанный орнамент в виде волнистой линии или геометрический в виде треугольников. Все это в дальнейшем становится характернейшими элементами каунического керамического комплекса.

Однако следует ли из этого делать вывод о прямой преемственности бургулюкской и каунической культур? Мнения исследователей здесь сильно расходятся. Есть точки зрения, где исследователи пытаются проследить не только преемственность керамических форм, но даже выделяют переходный период¹¹. Большинство же считает, что бургулюкская керамика ни генетически, ни типологически не связана с каунической. Хотя некоторые их элементы: цилиндрические носики-сливы, техника изготовления сосудов ленточным способом, характерные и для Бургулюка, и для Кауни I, — указывают на необходимость продолжения поисков связующих звеньев¹².

М. И. Филанович, говоря о родстве бургулюкской и каунической культур, отмечает, что в кауническую керамику перешли из бургулюкской жаровни, очажные подставки, крышки, носики-сливы. Но генетическая связь между этими культурами устанавливается в основном по стратиграфии Шаштепа¹³. Дискуссионность этого утверждения очевидна, хотя бы потому, что анализ Шаштепа как комплексного объекта показывает, что здесь последовательно существовали бургулюкское поселение, погребальный комплекс сарматского круга и каунические сооружения. Все это говорит о забросе бургулюкского поселка, когда через определенный промежуток времени (не менее полувоска) поверх него сооружаются курганы. На то, что заброс бургулюкских поселков был не единичным случаем, а отражает какое-то общее явление, указывают результаты работ на Кавардане, где бургулюкские жилища перекрываются слоем чистого лёсса и лишь позднее обживаются кауницами. Парастание такого слоя чистого лёсса не могло произойти быстро, на это понадобилось бы не менее 50—100 лет. Видимо, в конце этапа Бургулюк II на территорию Ташкентского оазиса активно начинают проникать кочевые элементы, посетители культур сарматского круга, которые сильно потесняют автохтонные кочевые племена и земледельческие общины. Каварданский комплекс, с одной стороны, фиксирует эти явления, а с дру-

⁹ Горбунова Н. Г. Суфанский могильник//АСГЭ. Вып. II. Л., 1969.

¹⁰ Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982. С. 69.

¹¹ Филанович М. И. Указ. соч. С. 150—151.

¹² Левина Л. М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тысячелетии н. э. М., 1971. С. 94; Буряков Ю. Ф. Генезис... С. 72—73.

¹³ Филанович М. И. Указ. соч. С. 150—151.

гой, — выдвигает вопрос о дальнейшей судьбе земледельческих общин. Можно предположить, что часть их приняла участие в формировании новой культуры (Каунчи), а часть была оттеснена дальше к северу.

К. А. Алимов, Г. И. Богомолов

НОВОЕ В НАУКЕ: ПОИСКИ, НАХОДКИ, ОТКРЫТИЯ

ОТКРЫТИЕ НОВОГО ПАМЯТНИКА ПАЛЕОЛИТА НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

На территории Северо-Востока Центральной Азии обнаружен ряд древнейших памятников, как пещерная стоянка Сельунгур (Ошская область, Кыргызстан), местонахождение открытого типа Чашма (Ферганская область, Узбекистан)¹, вновь открытое местонахождение Сох (Ферганская область, Узбекистан). В определенной мере эти памятники приобретают опорное, ключевое значение для понимания зарождения и дальнейшего генезиса древнепалеолитической культуры Центральной Азии как одного из очагов возникновения и развития древнейших культур, формирования предков человека от архантропа до неандертальца и человека современного типа.

Местонахождение Сох расположено на правом берегу р. Сох, в окрестностях сел. Чонгара, в 15 км западнее пещерной стоянки Сельунгур. Истоки р. Сох находятся в районе сочленения Алайского и Туркестанского хребтов, в наиболее сложном и тем самым наиболее привлекательном в историко-геологическом отношении районе. В низовьях река пересекает сложно построенные зоны средних и низких предгорий Туркестано-Алая, которые в течение 15 лет были объектом наших исследований. Здесь в результате изучения неотектоники, геоморфологии, динамики фациального преобразования рельефа выявлены наиболее перспективные районы исследования.

В этом районе нами собрана коллекция из 150 каменных изделий, в изучении которых принимал участие Н. К. Анисюткин. Каменные артефакты были изготовлены в основном из кремнистых пород черного цвета, яшмовидов, окремненного известняка. Большинство предметов имеют блестящую поверхность (люстраж), на некоторых прослеживаются патина и следы ожелезненности. Выделяются участки со следами коррозии, часто в виде ячеистой выветрелости; отмечена разная сохранность, но преобладает однотипная.

Общей характерной чертой сэхской индустрии является преимущественное изготовление орудий из речных галек. Особый интерес представляет чоппер, изготовленный на расколотой гальке яшмовидной породы с выделенным боковым острием и зубчатым контуром рабочего края. По типологии среди оббитых галек выделяются колотые, у которых одним или двумя ударами оформлено с одной стороны режущее лезвие. Подобные орудия определяются как примитивные чопперы. В коллекции имеются также чопперы, обработанные широкими крупными сколами, нанесенными с двух сторон, которые образуют подтреугольную форму. По этому признаку подобное орудие можно назвать прсторубилом².

Индустрия Соха отличается резко выраженной архаичностью и принадлежит по типологическому облику к тому уровню развития палеолитической техники обработки камня, на котором выделение таких устойчивых форм, как ручные рубила, возможно, еще только начиналось.

Вопрос о существовании на Северо-Востоке Узбекистана памятника с определенным преобладанием галечного инвентаря архаичной формы приобретает особый интерес в связи с тем, что на стоянке Сельунгур открыта и изучена более развитая индустрия. В коллекции находок из Сельунгура имеются чопперы, чоппинги, колуны, кливера и ручные рубила. Такое сочетание каменных орудий впервые для Узбекистана было выявлено У. И. Исламовым в 1985—1988 гг.

Дальнейшее изучение индустрии Соха позволит определить генетические корни данной культуры, которая формировалась и развивалась непосредственно на Северо-Востоке Узбекистана.

У. И. Исламов, К. А. Крахмаль

¹ Исламов У. И. Древнейшая пещерная палеолитическая стоянка Сельунгур в Ферганской долине//СА. М., 1990. № 2. С. 115—125; Исламов У. И., Крахмаль К. А. Некоторые закономерности расположения памятников каменного века Ферганы//ИМКУ. Вып. 25. Ташкент, 1991. С. 3—11.

² Палеолит Центральной и Восточной Азии. СПб., 1994. С. 22—25.

МАНБАШУНОСЛИК

«АМАЛИ СОЛИХ» МУҲИМ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

Темурийлардан бўлиши Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) урнинишлари билан Ҳиндистонда қарор топган салтанат мазкур рисоланинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий фаолиятини яна бир неча юз йилга узайтирди. Шу давр (1526—1858) ичида ҳинд заминда асли темурий, аммо биз кўпроқ бобурийлар номи билан биладиган хонадон саяё-ҳаракатлари билан кўндан-кўн ижобий ўзгаришлар юз берди. Улар бобурийлар ҳукмронлиги билан боғлиқ йиллар тарихини ўз ичига олган ўнлаб ва ҳатто юзлаб тарихий манбаларда ўз аксини топган. Шу билан бирга ўзбек илмий жамоатчилиги ва ўзбек халқи бобурийларнинг Ҳиндистондаги турли йўналишлар билан боғлиқ фаолиятлари ҳақида ҳали тўлиқ тасаввурга эга эмас. Бунинг сабаби ҳам аниқ: тилга олинган тарихий манбалар бизда жуда суст ўрганилган. Ўйлаймики, ўзбек олимларининг буидан бўёнги илмий-тадқиқот изланишлари, хусусан, тарихий манбаларни илмий муомалага киритиш ишида бобурийлар даври муҳим аҳамият касб этиб боради. Қуйида биз тўхталиб ўтмоқчи бўлган мавзу ҳам худди шу масалага бағишланади.

Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлиги йилларининг энг ёрқин давларидан бири бу Шоҳ Жаҳон (1628—1658) замонидир. Мазкур ўттиз йилда мамлакатда кечган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий муносабатлар тарихи бир қатор манбалардан ўрин олган. Мисол тариқасида, Муҳаммад Қазвинининг «Подшоҳнома», Мирзо Муҳаммад Жалолиддин Таботабойининг «Шоҳжаҳоннома», Мирзо Муҳаммад Амир Қазвинининг «Подшоҳнома», Мирзо Абу Толиб Каличининг «Подшоҳнома», Абдулҳамид Лоҳурийининг «Подшоҳнома», Муҳаммад Солиҳ Қамбунинг «Амали Солиҳ ал-мавсум ба Шоҳжаҳоннома» асарларини тилга олиш мумкин. Умум ҳисобда эса Шоҳ Жаҳон даврини у ёки бу тарзда ёритиб берувчи тарихий манбалар сонини ўнлабдир¹.

Мазкур кўнлаб тарихий асарлар орасида Муҳаммад Солиҳ Қамбунинг «Амали Солиҳ»и алоҳида ўрин тутади.

Муҳаммад Солиҳнинг туғилган йили борасида аниқ далиллар йўқ. Туғилган ери эса Лоҳур атрофида. Нима учун у Қамбу тахаллусини олгани ҳақида ҳам бир нима дейиш қийин. Зеро бу боралаги фикрлар ҳар хил. Чунончи, «Мисбоҳ ал-орифин» соҳибини шайх Зайналобиддин ёзишича, Қамб (Қамб) Ғазнин яқинидаги шаҳарча. Қамбунин Самарқанд шимолидан оқадиган Қамбоҳ дарёси номи билан боғлашлар ҳам бор². Аммо бир нарса аниқки, қамбулар асосан Панжоб вилоятида яшайдилар ва бу тахаллус жой номи билан боғлиқ³.

Муаллиф онласи хусусида ҳам тафсилотлар топилганича йўқ. Ҳозирча маълуми шунки, «Амали Солиҳ»нинг Шоҳ Жаҳон замондошлари — сайидлар, шайхлар, олим-фозиллар, шоирлар, амирлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган сўнги қисмида Муҳаммад Солиҳ ҳаётига онд баъзи бир тасаввурга имкон берувчи гувоҳликлар бор. Чунончи, ишро девонида хизмат кўрсатган фозиллар ҳақида ёзаркан, «шайх Иноятулло (ушбу) сатрларини битувчининг устоди ва акаси (устод ва бародари калон)»... «камшанинг мураббийиси ҳамда маънавий ва амалий валинеъматидир»⁴ тасдиғини келтиради. Демак, шайх Иноятулло унинг акаси. Аммо «Амали Солиҳ»нинг нашрини тайёрлаган доктор Гулом Наздоний мазкур гувоҳликдаги биродарликни умум тушунчадаги яқинлик, ҳурмат белгиси сифатида талқин қилиб, Муҳаммад Солиҳ ва шайх Иноятулло ўртасидаги қариндошликка шубҳа билан қарайди⁵. Фикриничозча, Муҳаммад Солиҳнинг шайх Иноятулло тўғрисидаги қуйидаги сўзлари бу масалага ойдинлик киритиши мумкин: «(Шайх Иноятулло) бу зарраин бемиқдор тарбиясига болалик йилларидан то шу кунларга қадар ўз олий эътиборини аямай келмоқда»⁶. Болаликдан бирга бўлиш, ўзаро эҳтиром қозониш, тарбия топниш одатда қариндошлик иплари билан боғланганларда кўпроқ бўлишини назарга олиб, Муҳаммад Солиҳ ва шайх Иноятулло ўртасидаги ака-укачиликка тарихий ҳақиқат деб қаралса, тўғрироқ бўлади. Аниқроғи улар ҳатто туғилган ака-ука бўлмасаларда, лекин бир қариндошлик силсиласи билан боғлиқ бўлганлар, масалан, холавачча, амакивачча, тоғавачча. Бу ҳол бизга Муҳаммад Солиҳнинг, тахминан бўлсада, туғилган вақтини аниқлаштиришда имкон очади. Зеро муаллиф тасдиғига кўра, шайх Иноятулло 1671 йилнинг 23 сентябрида (19 жумала I, 1082) олтинчи беш ёшида вафот этган⁷. Туғилган йили эса 1018/1609. Демак, Муҳаммад Солиҳ

¹ Батафсил қаранг: Storey. Persian Literature. A bio-bibliographical survey. Section II. Fasciculus 3. M. History of India. London, 1939. P. 564—582.

² Амали Солиҳ ал-Мавсум ба Шоҳжаҳоннома. Доктор Гулом Наздоний нашри. Лоҳур, 1967. Ношир сўз бошиси, 3-бет.

³ «Қамбу»га онд ривоятлар ҳақида қаранг: ўша асар, 3-бет.

⁴ Амали Солиҳ. 3-жилд. 341, 293-бетлар.

⁵ Амали Солиҳ. Ношир сўз бошиси. 6-бет.

⁶ Амали Солиҳ. 3-жилд. 293-бет.

⁷ Уша жойда.

1609 йилдан сўнг дунёга келган. Шунга кўра тахмин қилиш мумкинки, унинг туғилган вақти XVII асрнинг йнгирманчи ё ўттинчи йилларига тўғри келади.

Муҳаммад Солиҳнинг ҳаётида яна бир алломанинг таъсири бўлгани маълум. Яъни Шоҳ Жаҳон даврининг кўзга кўринган фозилларидан мавлоно Абулбаракот «Мунир» (вафоти 1644 йил)⁸. Бир сўз билан айтганда, Муҳаммад Солиҳ ўзи яшаган замоннинг кўплаб етук кишилари билан ҳамнафас бўлиш билан бир қаторда шайх Иноятулло ва мавлоно Мунир каби алломалар тажриба ва ўғитларидан яқиндан баҳраманд бўлиб келган. Шунингдек, бу икки шахс Шоҳ Жаҳон саройидаги иншо девонининг пешволаридан ҳисобланганлар. Муҳаммад Солиҳ ҳам худди шу идорада фаоллият кўрсатгани маълум. Муаллифнинг тарихнависликка рағбатиде шайх Иноятуллонинг ҳам ҳиссаси бўлганлиги маълум. Зеро шайх Иноятулло умуман те-мурийлар, хусусан Шоҳ Жаҳонга бағишланган «Такмилайи Акбарнома», «Тарихи дилгушо», «Баҳори доиш» асарлар соҳибидир⁹.

Муҳаммад Солиҳ ҳам бир асар ёзиш билан чекланмаган. Унинг «Баҳори су-хан» (икки таҳрирда: 1655 ва (1663—1664) ҳамда Шоҳ Жаҳон ўгли Мурад Бахши-нинг 1646 йилги Балх юришида оид асарлари шулар жумласидадир¹⁰.

Муҳаммад Солиҳнинг вафоти ҳам аниқ эмас. Саййид Муҳаммад Латиф таъ-кидлашича, Муҳаммад Солиҳ 1085/1674—1675 йили дунёдан ўтган¹¹. «Амали Со-лиҳ» муаллифи 1075/1664—1665 йили ўлган деб ҳисобловчилар ҳам бор¹². Лекин бу нотўғри, чунки юқорида кўрилганидек, 1082/1671—1672 йили Муҳаммад Солиҳ ҳаёт бўлган. Мазкур масалага доир қизиқ бир ишора: Лоҳурдаги умумий кутубхонада сақланаётган «Амали Солиҳ» нусхаларидан бири 1120/1708—1709 йили кўчирилган бўлиб, котиб Муҳаммад Солиҳнинг ҳаёт деб тилга олган¹³. Агар мазкур маълумот ишончлилиги шубҳа остига олинмаса, у ҳолда Муҳаммад Солиҳнинг вафоти 1120/1708—1709 йили ё ундан сўнг юз берган дейишга асос туғилади. Унинг кўмилган ери маълум: Лоҳурда Мучи дарвоза ташқарисида қизил тошдан ишланган мақба-рада. Дарвозанинг ичкари томонида эса 1079/1668—1669 йили Муҳаммад Солиҳ қурдирган масжид бўлиб, у ҳозир ҳам сақланган¹⁴.

Асарининг ёзилиш сабаблари ва йилига тўхталадиган бўлсак, муаллиф таъкид-лашича, то унга қадар Шоҳ Жаҳон ҳақида ёзилган тарихларда салтанат ишлари мушкуллиги ва уларни ҳал этишда ҳукмдорга бериладиган илоҳий қудрат мағзини очиб беришда халфаа етишмаган. Шу вайдан ҳам у «бундай оғир вазифага — Шоҳ Жаҳон давлати айёми воқеаларини жамлаб, тартибга солишга» киришган¹⁵. Гарчи асар бошланишида бу иш 1070/1659—1660 йили тугалланди деб ёзилсада, аммо султон Сулаймон Шукуҳнинг 1072/1662, Шоҳ Жаҳоннинг 1076/1666, шайх Иноятуллонинг 1082/1671 йили вафот этганликларига оид маълумотларни келтириб ўтаркан, демак асар устидаги иш 1070/1659—1660 йилдан сўнг ҳам давом этган. Ҳеч бўлмаганда 1082/1671 йилга қадар¹⁶.

Муҳаммад Солиҳ фойдаланган манбаларни уч гуруҳга саралаш мумкин:

1. Шоҳ Жаҳон замонигача бўлган даврларда ёзилган асарлар: Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ал-боқия», «Ҳиндистон», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Шарафид-дин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абулфазал Алломийнинг «Акбарнома», Муътаммид-хоннинг «Аҳволи шаҳзодагии Шоҳ Жаҳон», «Иқболномаи Жаҳонгири»си ва бош-қалар;

2. Шоҳ Жаҳон даврида битилган асарлар: мирзо Жалолиддин Таботабонийнинг «Подшоҳнома», мирзо Муҳаммад Амнининг «Подшоҳнома», Муҳаммад Тоҳирнинг «Подшоҳнома» («Мулаххас»), Муҳаммад Вориснинг «Подшоҳнома», Абдулҳамид Лоҳурийнинг «Подшоҳнома», Муҳаммад Солиҳ Деҳлавийнинг «Осори Шоҳжаҳоний», шайх Иноятуллонинг «Тарихи дилгушо», мулла Фарид мунажжимнинг «Зижи Шоҳ-жаҳоний» асарлари¹⁷;

3. Муаллиф ўзи фаоллият юргизган иншо девонининг материаллари: ҳужжатлар, ҳисоботлар, фармонлар, номалар, ёзишмалар, ҳарбий юришлар кундалиги ва бош-қалар.

Албатта муаллифнинг ўз кўрганлари, шоҳиди бўлганлари ҳам унга манба бў-либ хизмат қилгани шубҳасиз. Бунга доир гувоҳликлар асарда етарли. Кўриниб турганидек, «Амали Солиҳ» манбалари хилма-хил ва ишончли. Уларга суянган ҳол-

⁸ У ҳақда қаранг: Амали Солиҳ. 3-жилд. 315—316-бетлар.

⁹ Storey. Persian Literature. P. 578.

¹⁰ Storey. Persian Literature. P. 580—581.

¹¹ Муҳаммад Латиф. Лоҳур, 1956. 208—209-бетлар.

¹² Қаранг: Амали Солиҳ. Нодир сўз бошиси. 7-бет.

¹³ Storey. Persian Literature. P. 580.

¹⁴ Амали Солиҳ. Ношир сўз бошиси. 7—8-бетлар.

¹⁵ Амали Солиҳ. 1-жилд. 3-бет.

¹⁶ Амали Солиҳ. 3-жилд. 261, 266, 296-бетлар.

¹⁷ Шоҳ Жаҳонга атаб ёзилган асарларнинг барчаси тўлиқ эмас. Фақат «Амали Солиҳ»да ўттиз йиллик тўлиқ тарих баён этилган (Таботабоний беш йиллик, Қазвиний ўн йиллик, Лоҳурий йнгирма йиллик, Муҳаммад Ворис фақат тахтга чиққунча даври, Деҳлавий ўн йиллик, Муҳаммад Тоҳир эса ўттиз йиллик даврининг қисқа (мулаххас) тафсилотини берганлар).

да ҳамда воқеалар тирик гувоҳи сифатида Муҳаммад Солиҳ Шоҳ Жаҳон даврининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаёти, ташқи муносабатларига оид энг мукамал асарлардан бирини яратишга муваффақ бўлади. Бу эса ўз ўрнида мазкур асарга нисбатан ҳар томонлама қизиқишни ўша замонлардаёқ катта бўлишига олиб келган. Бунинг биз бугунги кунда жаҳон кутубхоналари, музейлари ва жамғармаларида сақланаётган «Амали Солиҳ»нинг кўплаб нусхалари орқали ҳам билиб олишимиз мумкин.

Масалан, фақат Англияда сақланаётган қўлёзма нусхаларини олсак, Индия Оффис кутубхонасида 1112—1113/1700—1702, 1157/1744—1745, 1213/1799, 1225/1810 йиллари ҳамда XVIII асрга, Британия музейида 1142/1729, 1186/1773, 1232/1817, 1263/1847 йиллари ҳамда XVIII, XIX асрларга тегишли, Оснё қироллик жамиятида, Жон Рилленд, Кембриж, Эдинбург кутубхоналарида XVIII, XIX асрларда кўчирилган «Амали Солиҳ» нусхалари мавжуд. Асар нусхаларининг Ҳиндистон ва Покистонда сақланаётганлари орқали ҳам Муҳаммад Солиҳ асарига ўз давридаёқ эътибор юқори бўлганини кўрсата бўлади. Масалан, Лоҳурдаги умумий кутубхонада муҳофизатда бўлган, 1120/1708—1709 йили кўчирилган қўлёзмаси фикричиз далили бўлади. «Амали Солиҳ»нинг XVIII—XIX асрларда кўчирилган нусхалари бошқа шаҳарларда ҳам бор (Банкпур, Ҳайдаробод, Копенгаген, Бенгалия Оснё жамияти)¹⁸. Муҳаммад Солиҳ асарининг XVIII асрда кўчирилган ва тўлиқ бўлмаган нусхаси Тошкентда ҳам бор (Ўзбекистон ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида)¹⁹.

«Амали Солиҳ»да Марказий Оснённинг XVII асрга оид тарихига алоқадор гувоҳликлар ҳам бир талай. Умуман олганда, бобурийлар даври форсийзабон тарихий адабиётларда минтақамизга оид маълумотлар кўплаб келтирилган. Бундан фарқли ўлароқ, Марказий Оснёда XVI—XVII асрларда битилган манбаларда худди шу замон Ҳиндистон тарихи билан боғлиқ маълумотлар жуда кам учрайди.

«Амали Солиҳ»нинг Марказий Оснё, хусусан қурилаётган даврда ҳукмронлик қилган Аштархонийларга (Бухоро хонлиги) доир гувоҳликларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Бобурийлар ва Аштархонийлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар. Чунончи, Кобул, Бадахшон, Балх вилоятларидаги манфаатлар тўқнашуви. Айниқса, Шоҳ Жаҳон ўғли Мурад Бахш (1033/1624—1070/1660) бошчилигида Балхга қилинган ва 1056/1646—1057/1646 йиллари давом этган ҳарбий юрши тафсилотлари шижоатла аниқлик ва кенг қамроғли тарзда берилган (II жилд. 369—459; III жилд. 1—13-бетлар);

2. Икки томон ўртасидаги элчилик алоқалари;

3. Аштархонийлар сулоласининг шажарасига оид маълумотлар;

4. Марказий оснёллик сиёсий, маданий, маънавий соҳалар намояндалари тўғрисидаги гувоҳликлар.

Кўришиб турганидек, Муҳаммад Солиҳ Марказий Оснё мавзусида кўплаб маълумотлар келтириб ўтган. Биз улардан баъзиларига, чунончи, аштархонийлар шажарасига оидларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Аштархонийлар сулоласи ибтилосини Муҳаммад Солиҳ шундай баён қилган, Шайбоний Искандархон (1561—1583) даврида Хоразм ҳукмдори Хожамхон аммаваччаси Ермуҳаммад Мовароуннаҳрга келади. Муаллиф ёзишича, Ермуҳаммад қариндоши хондан ранжигани учун шундай қилган²⁰. Марказий Оснё тарихий асарлари, хусусан «Муқимхон тарихи»да берилишича, Ермуҳаммад Аштархон хонлигидан, у ердаги ўзаро қураш жиддийлашиб кетгани сабаб Бухоро хонлигига кириб борган²¹. «Амали Солиҳ» соҳиби давом этиб, Искандархон Ермуҳаммадни ўзинга яқинлаштириб, унга қизини беради, деб ёзади. Муҳаммад Юсуф мунши қизнинг исми Зухрохоним эканини аниқ айтиш билан бирга, уни Ермуҳаммаднинг ўғли Жонибек султонга унаштирилганини маълум қилади. Фикричизча, Муҳаммад Юсуф мунши маълумоти ҳақиқатга яқинроқдир. Зеро «Муқимхон тарихи»да келтирилган мазкур гувоҳликларни асли аштархонийлардан бўлиши Мир Муҳаммад Салим ўзининг «Силсилат ас-салотин» асарида тасдиқлайди²². Демак, Зухрохоним Жонимуҳаммадга турмушга чиққан. Муҳаммад Солиҳ Жонимуҳаммаднинг тўрт ўғли ва бир қиз бўлганини ёзади: Динмуҳаммад султон, Боқимуҳаммад султон, Валимуҳаммад султон, Пойандамуҳаммад султон. Қизининг номи келтирилмаган²³. Мазкур масалада ҳам тафовутлар бор. Чунончи, Муҳаммад Юсуф мунши Жонимуҳаммаднинг фақат уч ўғли бўлганини айтади: Динмуҳаммад султон, Боқимуҳаммад султон ва Валимуҳаммад султон. Мир Муҳаммад Салим ҳам шундай фикрда²⁴. Фикричизча, Муҳаммад Солиҳ Пойандамуҳаммад султонни бу қаторга янглиш қўшган. Зеро «Сил-

¹⁸ Storey. Persian Literature. P. 580.

¹⁹ Қаранг: Ўзбекистон ФА ШИ Қўлёзмалар хазинаси. Рақами 12549; Из истории культурных связей народов Средней Азии и Индии. 1986. С. 84.

²⁰ Амали Солиҳ. I-жилд. 252-бет.

²¹ Муҳаммад Юсуф мунши. Муқимхон тарихи. Тошкент, 1956. 73-бет.

²² Мир Муҳаммад Салим. Силсилот ас-салотин. Бодлеян кутубхонаси қўлёзмаси. Рақами 169. Варақ 125 а.

²³ Амали Солиҳ. I-жилд. 252-бет.

²⁴ Муқимхон тарихи. 73-бет; Силсилот ас-салотин, варақ 125 а.

силат ас-салотин» бўйича Поёндамуҳаммад султон Ермуҳаммадхоннинг учинчи ўғли Турсунмуҳаммад султоннинг ўғли ҳамда мазкур асар муаллифининг катта бувасидир²⁵. Шу билан бирга Муҳаммад Солиҳнинг мазкур гувоҳлигига, хусусан, Жонимуҳаммад султоннинг тўрт ўғли бўлганига эътиборсиз қараб бўлмайди. Зеро Жонимуҳаммаднинг тўртинчи ўғли Турсунмуҳаммад султон бўлган деб ҳисобловчилар ҳам бор²⁶.

Динмуҳаммад султондан икки ўғил (Имомқули ва Назрмуҳаммад) туғилганини Муҳаммад Солиҳ каби Муҳаммад Юсуф мунши ва Мир Муҳаммад Салим ҳам тасдиқлайдилар²⁷.

«Амали Солиҳ»да Назрмуҳаммадхоннинг харам ва кизлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Чунончи, юқорида тилга олинган 1646—1647 йиллардаги Балх юриши вақтида бобурийлар мазкур вилоятни эгаллаб (Назрмуҳаммадхон Эронга равона бўлганда), бу ерда қолган унинг яқинларини бобурийлар Кобулга жўнатдилар. Улар орасида Назрмуҳаммадхоннинг уч хотини бор эди. «Бирн Урозбийнинг қизи, иккинчиси Болтв парвоначининг қизи ва учинчиси Хисрав (султоннинг) онаси. (Яна) уч қизи — бири ўн олти ёш, иккинчиси тўрт ёш ва учинчиси бир ёш... (Назрмуҳаммадхоннинг тўнғич ўғли) Абдулазизхоннинг онаси қози Тулак хонадониде туғилган (қанизақлардан) бўлиб, (уни бошда Назрмуҳаммадхоннинг) опаси сотиб олганди. (Ниҳоятда) чиройли бўлгани сабаб Назрмуҳаммадхоннинг ишқи тушиб уни олган. Вафот этганига ҳозир йигирма йил бўлди. Хисрав султоннинг онаси Балхнинг камбағалларидандир. Баҳром (султон) ва Абдурахмон (султон) оналари ҳам аёнлар аҳлидан эмасдилар. Ва икковлари ҳам ўлиб кетганлар. Субхонқули (султон) онаси ҳам шундай (наст) табақадандир. Назрмуҳаммадхоннинг иши орқага кетганда, у Балхдан қочиб Абдулазизхон олдига (Бухорога) кетган. Қутлуқ (султон) ва яна уч қизининг оналари қалмоқ қанизақларидан (эдилар)»²⁸. Абдулазизхон хожа Абдурахим Жуйборий қизини олганди. Бу қиз эса хожанинг Жонибек султон қизи билан никоҳдан туғилган. Назрмуҳаммадхон Абдулазизхоннинг мазкур никоҳдан туғилган икки қизини доим ўзи билан Балхда олиб турган ва фақат бобурийлар лашкари кириб келишидан уч кун бурун Бухорога жўнатган экан. «Амали Солиҳ»да тилга олганимиз Мир Муҳаммад Салимнинг буваси Муҳаммадёр султонга онд гувоҳликлар ҳам бор. Чунончи, бобурийлар Кобулга жўнатган аштархонийлар орасида унинг икки хотини ҳам бўлган. Улардан бири илгари Имомқулихон никоҳида бўлган экан²⁹.

Бобурийлар даргоҳига олиб кетилган аштархонийлар тақдирини нима бўлгани ҳам қизиқ. Бу ҳақда Муҳаммад Солиҳ шундай хабар беради. 1649 йили Шоҳ Жаҳон совға-саломлар билан уларни Балхга кузатиб қолади. Аштархоний шаҳзодалардан Абдурахмон султон Балхга қайтиб кетсада, аммо унинг биродарлари Хисрав султон ва Баҳром султон Ҳиндистонда қолиш майлини билдирдилар. Шоҳ Жаҳон уларга нисбатан катта эътибор билан қараб Хисрав султонга юз минг рупия миқдорда йиллик маош ҳамда 6000 зот ва 5000 савор даражасидаги мансаб, Баҳром султонга эса 5000 зот даражасида мансаб тайинлагани маълум³⁰.

Кўриниб турганидек, XVII аср Шоҳ Жаҳон даври Ҳиндистон тарихига онд қимматли манба ҳисобланмиш «Амали Солиҳ»да бизнинг минтақамизга онд қимматли маълумотлар етарли. Биз юқорида улардан бир қисмининггина тақдим этдик. Ушбу асарни янада чуқурроқ ўрганиб бориш, Марказий Осиё, айниқса бобурийлар даври Ҳиндистон тарихини ёритиш ишида зарур бўлган манбавий асосни янада кенгайтиради.

А. Зиёев

²⁵ Силсилот ас-салотин, варақ 126 а; Мир Муҳаммад Салим шажараси бундай: Мир Муҳаммад султон — Рустам Муҳаммад султон — Муҳаммадёр султон — Поёндамуҳаммад султон — Турсунмуҳаммад султон — Ермуҳаммадхон (Силсилот ас-салотин, варақ 313 аб).

²⁶ ППВ. Ежегодник. 1973. М., 1979. С. 88; Бундан ташқари Муҳаммад Солиҳга кўра, унинг таъкидидаги Поёндамуҳаммад султон, яъни Жонимуҳаммаднинг тўртинчи ўғли, Боқимуҳаммадхон даврида Ҳиндистонда ўлган (Амали Солиҳ. 1-жилд. 254-бет). Мир Муҳаммад Салим аждоли Поёндамуҳаммад султон эса XVII аср қирқинчи йилларида ҳам ҳаёт бўлган (Силсилот ас-салотин, варақ 204 б).

²⁷ Амали Солиҳ. 1-жилд. 252-бет; Муқимхон тарихи. 74-бет; Силсилот ас-салотин, варақ 136 а.

²⁸ Амали Солиҳ. 2-жилд. 417-бет.

²⁹ Уша жойда.

³⁰ Амали Солиҳ. 3-жилд. 76, 117, 349, 350-бетлар.

НАШИ ЮБИЛЯРЫ

К 60-ЛЕТИЮ Р. А. УБАЙДУЛЛАЕВОЙ

Исполнилось 60 лет со дня рождения видного ученого-экономиста, заместителя Министра труда Республики Узбекистан, члена-корреспондента АН РУз, доктора

экономических наук, профессора Рано Ахатовны Убайдуллаевой. Этому юбилею было посвящено совместное заседание Ученого совета Института экономики и Отделения экономических, философских и юридических наук (ОЭФЮН) АН РУз, состоявшееся 4 ноября 1996 г.

Заседание открыл вступительным словом председатель ОЭФЮН, директор Института экономики АН РУз, член-кор. АН РУз А. Х. Хикматов. Участники заседания и многочисленные гости тепло поздравили юбиляра. Доклад о жизненном пути Р. А. Убайдуллаевой сделал доктор экон. наук, зам. директора ИЭ АН РУз А. Т. Юсупов.

Докладчик отметил, что Р. А. Убайдуллаева родилась в Ташкенте 4 ноября 1936 г. в семье служащего. После окончания в 1958 г. ТФЭИ стала работать лаборантом, затем старшим лаборантом в ИЭ АН РУз. В 1960—1963 гг. обучалась в аспирантуре и в 1964 г. защитила кандидатскую диссертацию на тему «Женский труд в колхозах Узбекистана». Затем она работала младшим, старшим научным сотрудником, заведующим отделом ИЭ АН РУз, где и ныне руководит отделом проблем использования трудовых ресурсов и рынка труда. В 1993 г. она была назначена заместителем Министра труда Республики Узбекистан.

В 1974 г. Р. А. Убайдуллаева успешно защитила докторскую диссертацию «Региональные проблемы размещения и эффективности использования трудовых ресурсов в Узбекистане», а в 1981 г. ей присвоено звание профессора.

Перу Р. А. Убайдуллаевой принадлежит более 200 публикаций, в том числе такие монографии, как «Женский труд в сельском хозяйстве Узбекистана» (1969), «Трудовые ресурсы и эффективность их использования» (1979) и др. Многие ее научные работы опубликованы далеко за пределами нашей республики, в том числе в США, Италии, Швейцарии и т. д. На протяжении десятков лет Р. А. Убайдуллаева занимается сложным комплексом проблем состояния и использования трудовых (особенно женских) ресурсов, причем в последние годы эти проблемы тесно увязываются с вхождением Узбекистана в рыночные отношения. По результатам исследований ею разработано и обосновано большое число практических рекомендаций, переданных в директивные органы республики и отраженных в принятых ими решениях. Свои идеи она стремится воплотить на деле и как заместитель Министра труда РУз.

Много внимания уделяет Р. А. Убайдуллаева вопросам демографии, социального строительства, развития семьи, проблемам молодежи и др.

Под редакцией и с участием Р. А. Убайдуллаевой опубликовано по этим и другим актуальным проблемам большое количество коллективных монографий, обобщающих трудов и сборников статей.

Р. А. Убайдуллаева неоднократно представляла экономическую науку Узбекистана за рубежом, выступала с докладами и лекциями в разных странах, принимала деятельное участие в республиканских, региональных и международных научных форумах. Недавно она избрана членом Национального географического общества США, членом Европейского общества по центральноазиатским исследованиям и др.

Большое внимание уделяет Р. А. Убайдуллаева выращиванию научных кадров. Она была научным руководителем, консультантом и оппонентом почти по 100 кандидатским и докторским диссертациям.

Р. А. Убайдуллаева активно занимается и плодотворной общественной деятельностью. В частности, она является вице-президентом Ассоциации женщин-ученых Узбекистана «Олима», членом Президиума Комитета женщины Узбекистана, членом Комитета по присуждению Государственной премии Республики Узбекистан им. Беруни в области науки и техники при Кабинете Министров РУз и т. д.

Заслуги Р. А. Убайдуллаевой в развитии экономической науки республики отмечены рядом правительственных наград.

Поздравляя Рано Ахатовну Убайдуллаеву с ее знаменательным юбилеем, научная общественность республики желает ей крепкого здоровья, присущей ей энергии, бодрости и новых творческих свершений на благо нашей Родины.

ЯНГИ ҚИТОБЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЯ-ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАРИХИДАН ЛАВҲЛАР

(Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 240 б.)

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, унинг цивилизацияси тараққиёти йулига тушиб олиши ҳамда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига эришиш ана шу вазифаларни ўзида ифода қиладиган янги ғоявий мафқурани яратиш ва ривожлантиришни тақозо этади. Шу муносабат билан ўтмиш маданиятимиз, қадриятларимизни чуқур ўзлаштириш, уларни маънавий ҳаётимизнинг мустаҳкам пойдевори деб билган ҳолда, келажакдаги мақсадларимизни белги-

лаш ва асослаш, жамият тараққиётининг бош йўналишларини аниқлаштиришда ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда халқимизнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихини ёритишга эътиборни қаратиш, айниқса уни синфийлик, партиявийлик мезонлари билан эмас, балки умумбашарий маданият тараққиёти мезонлари асосида таҳлил қилиш ва ҳолисона баҳолаш орқали янгилаш инҳоятда зарурдир. Бу борда кейинги пайтларда анча ишлар қилинди. Хусусан О. Файзуллаев, М. М. Хайруллаев, Э. Ю. Юсупов ва бошқаларнинг тасаввуф фалсафаси, жадидчилик ҳаракатининг мазмуни, Темур ва темурийлар даврида фан ва маданият тараққиётининг асосий хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган китоблари, мақолалари, вақтли матбуот, радио ва телевидениедаги чиқишлари, Ўзбекистон Республикаси фалсафа жамияти томонидан уюштирилаётган турли хил кенгашларда муҳокама қилинаётган муаммолар, илгари сурилаётган фикрлар диққатга сазовордир.

Шунинг билан бирга Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихини исбатан тўла ҳолда қамраб оладиган, унинг тараққиётининг асосий тенденциялари, йўналишлари ва босқичларини системали таҳлил қиладиган, у ҳақда яхлит тасаввур ҳосил қилишга имкон берадиган нашрларнинг жуда камлигини қайд этиб ўтиш лозим. И. Мўминов, М. Хайруллаев таҳрири остида икки марта нашр қилинган «Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане» китоби (Тошкент, 1957, 1976), М. Хайруллаевнинг «Культурное наследие и история философской мысли» асарини (Тошкент, 1985) ҳозирги пайтда ўқувчи топиши қийин. Халқимизнинг ўтмиш маданиятимизни ўрганшга бўлган қизиқишининг кучайиши, республикамиз олий ўқув юртларида ўқитиладиган фалсафа курсида фалсафа тарихини, шу жумладан Ўзбекистон халқлари фалсафий фикр тараққиётининг кенг ўрни олиши, айрим мутахассисликлар ўқув режасига Ўзбекистон халқлари фалсафаси тарихи фанининг киритилиши, шунингдек фалсафа ва фалсафа тарихи бўйича янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-методик қўлланмалар тайёрлаш мазкур масаланинг долзарблигини янада кучайтиради.

Шу нуқтан назардан ёндашсак «Ўзбекистон» нашриёти томонидан академик М. М. Хайруллаев таҳрири остида жумҳуриятимизнинг бир гуруҳ мутахассис тадқиқотчилари томонидан ёзилган «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар» номли ўқув қўлланмасининг нашр қилинишини қайд қилинган вазифаларни амалга оширишдаги биринчи муҳим ва жиддий қадам деб ҳисоблаш мумкин. Маълумки, фалсафий ва ижтимоий фикрларнинг ривожланиши жамият маданияти, маънавий ҳаётининг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Қўлланманинг энг муҳим томонларидан бири унинг ҳар бир бобда ўрганилаётган ҳар бир даврнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитларининг узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиниши бўлиб, бу ўқувчиларнинг ҳар бир даврнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-мафкуравий тараққиётининг тарихи ҳақида умумлашган билим олишга имкон беради. Хусусан I бобнинг I ва II фаслларида VIII—XI асрларда Ўрта Осиёда маданий ривожланиш, унинг ўзига хос томонларининг кўрсатиб берилиши, ислом ва унинг Ўрта Осиё тарихидаги роли каби масалаларнинг ёритилиши ушбу ўқув қўлланмасининг маърифий қимматини яна ҳам оширади.

Шунингдек, II бобнинг I фаслида Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, маданий ҳаёт, унинг равнақи ва хусусиятлари ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам ўқувчида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир. Ана шундай фикрларни қўлланманинг бошқа боблари ҳақида ҳам айтишимиз мумкин.

Қўлланманинг муҳим маърифий томонларидан яна бири шуки, ҳозирги давргача ҳам фалсафа тарихига оид адабиётларда ўрганилмаган мутафаккирларнинг илмий мероси, уларнинг дунёқараши ҳақида янги манбалардан, айниқса Қоҳира, Теҳрон, Истанбул, Хайдаробод, Канпур, Лакнава нашр қилинган китоблар, Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлланмалар фондида сақланаётган материаллардан фойдаланилган ҳолда ўқувчиларга муҳим маълумотлар беради. Жумладан, I бобда Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Исмоил Журжоний, Маҳмуд Чағинийларнинг илмий қарашлари, дунёқарашлари, Исмоил Бухорий ва Замахшарийнинг илмий меросининг аҳамияти, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий ва Аҳмад Яссавийларнинг ахлоқий қарашларининг аҳамияти ҳақидаги саҳифалар фикримизнинг далилдир. Фалсафа тарихи фанимизда кам ўрганилган мана шундай сиймолар ҳақидаги маълумотлар қўлланманинг бошқа бобларида ҳам мавжуддир.

Маълумки, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихида жадидизм ва унинг мафкураси инҳоятда муҳим ўрнини эгаллаган эди. Жадидлар Ўзбекистоннинг Чор Россияси томонидан мустамлакага айлантирилган шароитда озодлик ва миллий мустақиллик учун курашининг энг олдинги сафида бўлганлар. Гарчи уларнинг мафкураси асосан маърифатпарварлик ғояларидан нарнига ўтолмаган бўлса ҳам, улар маърифатни миллий мустақилликка эришишининг, жамиятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тубдан ўзгартиришнинг асосий қуролига айлантиришни ният қилган эдилар. Худди ана шу мафкура Чор Россиянинг ҳам, большевиклар ҳукуматининг ҳам мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш усулига айланди. Шунинг учун ҳам жадидизм большевиклар томонидан ноҳақ қораланди ва унинг намояндлари даҳшатли равишда қатағон қилинди. Мазкур қўлланмада ушбу масалани ёритишда бутунлай янги мезон билан, яъни жадидизмнинг Ўзбекистоннинг

миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг мафкурасини яратиш учун бўлган аҳамияти нуқтан назардан ёндашилади.

Бунинг исботи учун китоб саҳифаларидаги айрим фикрларга ғлова қиламиз. «Аслида жадидизм маърифатпарварлик ҳаракатининг юқори босқичи бўлиб, унинг намояндалари мамлакатни феодал қалоқликдан чиқариш, миллий мустақилликка эришиш учун курашда жонбозлик кўрсатадилар. Жадидизмнинг ижтимоий илдинин миллий буржуазиянинг вужудга келиши ва уни миллий озодликка интилишидан изламоқ керак» (221—222-саҳифалар). Жадидлар мафкурасининг характерли томонларидан бири шунки, улар миллий мустақилликка эришишда ёшларни миллий ифтихор руҳи билан тарбиялашда, миллий мустақиллик мафкурасини яратишда ўтмиш миллий қадриятлари ва у билан бирга умуминсоний маданият ютуқларини эгаллашнинг муҳим аҳамиятини кўра билла олдилар. Мана шу масалага ҳам қўлланмада жиддий эътибор берилган. Бу ерда қуйидаги сатрларга ғлова қилишни хоҳлардик. «Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки... улар ёшлар диққатини мусулмонларнинг ўтмиш маданиятига, илм-фан соҳасида эришган шухратларига, диний ва ҳуқуқий масалаларига жалб қилиб, ўтмишни мавжуд аҳволга таққослаб кўрсатишга ҳаракат қилган эдилар.

Жадидлар миллий доирада чекланиб қолмадилар. Уларнинг матбуотида умуминсоний маданият ютуқлари, фан ва педагогик фикр янгилекларини тарғиб қилиш соҳасида ҳам маълум натижа олиб борилди» (226-саҳифа).

Буларнинг ҳаммаси ўша даврдаги ижтимоий-фалсафий ҳаёти муаммолари билан чамбарчас боғланганлигини кўрсатади. Бу нарса эса ҳозирги даврда ёш зиёлиларни миллий мустақиллигимиз учун кураш тарихининг бойлиги ва чуқурлигини ҳис қилишни руҳида тарбиялаш учун катта аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қўлланма ўқувчилар ўртасида тарихимиз, бой маданий меросимиз ҳақида фақат муҳим маълумотлар бериётгани қолмасдан, балки унга бўлган қизиқиш, уни кенг ҳар томонлама илмий ва ҳақиқий ўрганишга интилишнинг кучайишига хизмат қилишни нуқтан назардан ҳам қимматли маърифий аҳамиятга эга бўлишни шубҳасиздир.

Шу маънода ушбу қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Фанлар академияси ва жумҳурият олий ўқув юрталарининг етакчи тарихчи-файласуф, шарқшунос мутахассисларининг хизмати таҳсинга сазовордир. Шу билан бирга ушбу қўлланманинг келажакда дарслик сифатида мукамалроқ ҳолда нашр қилиш мақсадга мувофиқлигини назарда тутиб, баъзи бир мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз:

Биринчидан, бизнингча Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари ҳақидаги фаслда тасаввуфнинг назарий-фалсафий ғоялари, ундаги диалектика элементлари ҳақида бир оз батафсилроқ маълумот берилса, унинг гуманистик ғояларининг назарий асосини тушунишда ўқувчига кўмак берарди.

Иккинчидан, гарчи қўлланма бевосита Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар ривож тарихига бағишланган бўлса ҳам, бизнингча унда Мирзо Абдулқодир Бедил дунёқарашини ҳақида қисқача маълумот берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки гарчи Бедил Ҳиндистонда яшаб ижод этган бўлса ҳам, унинг дунёқарашини ва илмий меросини Ўрта Осиё халқлари ўрта асрлар ижтимоий-фалсафий фикрларининг қонуний давоми ва якуни ўз аксини топган.

Шунингдек, бизнингча қўлланмада жаҳонга машҳур бўлган йирик табиатшунос олимларимизнинг табиий-илмий қарашларини баён қилиш жараёнида бу ғояларнинг дунёқараш аҳамиятини ҳам ёритиб берилса, уларнинг илмий меросининг аҳамиятини яна ҳам тўлароқ кўрсатишга хизмат қиларди.

Қўлланмада айрим жузъий ноаниқликлар ҳам мавжуд. Масалан: «1448 йилда Шоҳруҳ томонидан юборилган элчилар орасида тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ҳам бўлиб, у Ҳиндистон маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлади» (126-саҳифа). Маълумки, Шоҳруҳ 1447 йилда вафот этган.

Табииyki, ушбу қўлланма ҳақида мутахассисларнинг яна бошқа танқидий фикр-мулоҳазалари бўлиши мумкин. Лекин бундан қатъи назар қўлланма ёш зиёлиларимизнинг миллий илмий меросимиз, маданиятимиз ва қадриятларимизни чуқурроқ ҳис қилишлар ва ўрганишлари учун қилинган дастлабки эзгу қадамлардан бири бўлиб қолади.

М. Усмонов, М. Шарипов

Ж. Т. ХОЛМУИНОВ. ЭКОЛОГО-ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

(Ташкент: Фан, 1996. 195 с.)

